

Муаллиф	Г.Эшчонова Д.Абдивалиева
Яратилган	Ангрен 2005
Категория	Ўзбек тили ва адабиёти
Бўлим	Ўзбек тили ва адабиёти
Институт	Тошкент вилоят давлат педагогика институти
Факультет	Филология
Кафедра	«Адабиёт ва уни ўқитиш методикаси»
Электрон файл тури	
Электрон файл ҳажми	

АННОТАЦИЯ

Истиқлол туфайли Республикамизнинг барча соҳасида – ижтимоий, иқтисодий, шунингдек, сиёсий ҳаётида катта ўзгаришлар содир бўлди. Тарихий ва Миллий қадриятларга муносабат тубдан янгиланди, маданият, маънавият, мафкура йўналишида ҳам сезиларли ўзгариш рўй берди ва бераяпти. Бу ҳол Республикамизнинг маданий маънавий ҳаётида ҳамда тараққиётида катта омиллик ролини ҳам ўтаяпти.

Маълумки, ҳаётда, жамиятда рўй берган ўзгариш албатта адабиётдан ўз аксини топади. Ҳозирги адабий жараён миллий ва маданий меросни ажралмас қисмидир. Адабий жараён ва адабий танқид, адабий-назарий қонуниятлар ва йўналишлар. Адабий жараён ва таржима адабиёти, бадиий адабиёт ва назарий адабиётнинг ўзаро алоқаси бир-бирини бойитишдан иборат. Ҳозирги адабий жараён фан сифатида бадиий адабиёт жанрларини ҳозирги кун романчилиги, қиссачилиги, ҳикоялари, шеърляти, адабий танқидчилиги каби жанрларнинг ўзига хос хусусиятларини бадиийлик ва замонавийлик принциплари асосида кўриб чиқади.

МУНДАРИЖА

- 1. Бугунги кун шеъриятининг тамойиллари.**
- 2. Ҳозирги ўзбек поэмачилиги (достончилиги)да жанр ва шакл изланишлари ҳамда муаммолар талқини.**
- 3. Бугунги ҳикояларни ўзига хослиги ва тараққиёт хусусиятлари.**
- 4. Ҳозирги ўзбек қиссачилигининг қирралари.**
- 5. Бугунги ўзбек романида давр, тарих, замон масаласи.**
- 6. ўзбек фантастикаси тарихи ва унинг ўзига хослиги.**
- 7. Янги босқичдаги ўзбек драматургияси.**
- 8. Бугунги кун публицистикаси ва давр мезони.**
- 9. Бугунги адабий танқидчилик.**

1-МАВЗУ: БУГУНГИ КУН ШЕЪРИЯТИНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ

РЕЖА:

1. Бугунги кун шеъриятининг ўзига хос хусусияти.
2. Ислон асотирлари вағоялари билан суғорилган шеърият,
3. Шеъриятда миллийғоя ва миллий мафкуранинг ифодаси.
4. Бугунги кун шеъриятида поэтик образ ва мотив.
5. Э.Воҳидов , А.Орипов шерлари замирида ётганғоя .
6. Ииллийлик билан суғорилган шерларнинг ахамияти.
7. Х.Худойбердиева шерларининг хусусияти.

АДАБИЁТЛАР:

1. Н.Афоқева. Шеър, ҳикмат. Т, 1994
2. Ж.Камол. Лирик шеърият. Т., 1980
3. Ҳ.Кароматов. қуръон ва ўзбек адабиёти. Т., 1993
4. Б.Иорбоев. Истиқлол ва истеъдод. Т., 1996
5. Я.қосимов, Уйғониш садолари. Т., 1991
6. И./афуров. Лириканинг юраги. 1982

Истиқлол туфайли маънавий қадриятларга, маданиятга, жумладан, сўз санъатига нисбатан муносабат тубдан ўзгарди. Янги давр нафақат адабиётимиз тарихига, балки замонавий адабий -бадий жараёнга ҳам янгичағоявий - эстетик мезон билан ёндошишни тақозо қилади.

XX аср ўзбек шеъриятининг эрк учун олиб борган қураши эътиборга лойиқдир. У икки босқичга эгадир: биринчиси, асримизнинг илк босқичига, иккинчиси эса, олтмишинчи йилларга тўғри келади.

Ҳозирги ўзбек шеъриятининг маънавий миқёси, бадий, салоҳияти кундан - кунга ўсиб борапти. Шу маънода ҳозирги ўзбек адабиётида лирика алоҳида ўринга эга. Унда замондошимиз қалбида кечаётган ҳис - туйғуларни акс эттириш баробарида, жамиятимизнинг ҳар бир аъзосида мустақилликка шукроналик, порлоя; келажакка бўлган ишончни мустаҳкамлашга хизмат этмоқда. Президентимиз И.А.Каримовнинг «Одамларда ўзлигини англаш, миллий ғурур, орият, ўтмишдан фахрланиш, порлоқ келажакни ўз қўлимизга олганимизданғурурланиш каби туйғулар камол тояпти, уларнинг бугунги ва эртанги ишончи ортиб борапти», - деган фикр бугунги шеъриятга ҳам тегишлидир.

Бу кун шеъриятининг табиати ва унинг замиридаги фалсафийғояни очиб бериш, унинг етакчиғоявий - бадий тамойилларини аниқлаш, ўзбек шеъриятининг истиқболдаги тараққиётини ҳам олдиндан белгилашга имкон беради.

Маълумки, ижтимоий ҳаётда кечаётган эврилишлар биринчи навбатда лирикада акс-садо беради. Бу нарса унинг тамойилларини ҳам белгилайди, Бугунги адабий жараёнда- тўрт қилади. Биринчи навбатда, Ўзбекистоннинг мақомига эга бўлиши билан миллий уйғонишғоялари балқиб турган шеърларга алоҳида эътибор бериш лозим бўлади. Биз Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов,Ойдин Ҳожиева, Ҳалима Худойбердиева, Жамол Камол, Гулчехра Нуруллаева,

Муҳаммад Юсуф, Хуршид Даврон, Азим Суюн, Юсуф Жумаев каби шоирларнинг янги шеърларида китобхонни янги тарихий воқеликни ҳис қилишга, янгиланиш ва покланишга чорловчи ғояларни кўрамиз. Бу ғоялар аввалгидек ҳайқириқлар тарзида баланд пардаларда айтилган, аммо юракка етиб бормайдиган сўзлар билан тараннум этилган эмас. Аксинча, юрак қаъридан, юрак қонларига қўшилиб чиққан, шунинг учун улар бошқа юракларга ҳам етиб борди ва бормоқда. Шу тарзда халқни - мустақиллик йўлига чиқиб олган халқни уйғотувчи, унда миллий *урур ва эътиқод, истиқлол ва истиқболга ишонч туйғуларини ардоқловчи шеърлар бугунги адабий жараёндаги биринчи ва етакчи тамойил ҳисобланади,

Тоталитар тузум ва унинг мафкураси миллий республикалар халқларининг тарихидан, маданияти илдизларидан маҳрум этибгина қолмай, диний анъаналари ва урф-одатларини ҳам пайҳон қилиб ташлади. Диний маданият ўрнига бу халқларга берилган марксча-ленинча-таълимот эса улар имконини саломат олиб қололмади. Сўнгги йилларда динга эркинлик берилиши, ислом таълимотига оид илмий оммабоп асарларнинг пайдо бўлиши ва бошқа тадбирлар натижасида ўзбек шеъриятида ислом асотирилари ва ғоялари билан суғорилган шеърлар пайдо бўлди.

Абдулла Орипов «Ҳаж дафтари» ва «Ҳикмат садолари» туркуми билан XX аср ўзбек шеъриятига диний-маърифий ғояларни биринчи бўлиб олиб кирди. У Рабғузийнинг «қиссаи Рабғузий» асари ва Исмоил Бухорийнинг «Ҳадис»ларини ўрганиш, «куръони карим»ни ўқиш асосида уларда баён қилинган диний-маърифий ғоялар бутунги ёш авлодни юксак инсоний маданият, имон ва эътиқод руҳида тарбиялаш мумкинлигини зукколик билан сизди.

Шоир эллик шеърий ҳадисни ўз ичига олган «Ҳикмат садолари» туркумида диний манбалардан ўрин олган сюжетлар, ҳикматлар ва орзулардан самарали истифода қилган ҳолда кишиларни покликка даъват этувчи, улар қалбига эзгулик уруғларини сеппувчи ва ҳидоят йўлига етакловчи лирик қаҳрамон, XX аср ўзбек шеъриятининг етакчи қаҳрамонидан шу билан фарқланадики, у аввало Тангри таолонинг мавжудлигига ишонади, ишонибгина қолмай, бу дунёдаги барча воқеалар унинг амри билан юз бераётганига қаноат қилади ва ҳар бир одам орттирган гуноҳлари, содир этган жиноятлари учун охиратда жазоланишига шубҳа қилмайди, У ўзидаги ана шу ишончни бошқалар қалбига ҳам сингдиришни ўзининг мурод-мақсади деб билади:

У сенга курсатди ҳидоят йўлин,
Юрғил ё юрмассан, ўзинг бил, инсон.
Балки сен тутгайсан Иблиснинг қўлин
Яратган Холиққа барчаси аён.
Пишқирган дарёнинг соҳилида гар,
Ташнаю зор қилсанг, айбдор ўзинг.
Бошингга ногоҳон балолар ёғар,

Лабингдан учган чоғ жаҳолат сўзинг.

Бу борада Абдували кутбиддин ҳам самарали ижод қиляпти. У ўзғоясиниғайри-табиий гаройиб манзаралар, тасвирлар замирига сингдиради. Сиртдан қараганда унинг ташбеҳларига юкд-анган фикр, туйғулар кўнгил кўзида акс этган мутлақо нореал, тушдаги каби тартибсизликдай кўринади, Лекин чуқурроқ мушоҳада қилинса, унинг моҳияти англашилади. Чунки диний қараш фалсафа объекти реал ҳаёт эмас, инсон руҳияти, руҳий ҳаёт, боқий дунёдир. Зероки шундай экан, тасвирнинг гайри^табиий бўлиши ҳайрон қоларли ҳол эмас. Бироқ гап тасвир ва ташбеҳларнинг реаллигида эмас, унинг замирида ётган фикр ҳамда унинг моҳияти муҳимдир. Бу ҳолни А.Қутбиддиннинг «Имон» деган шеърида кузатиш мумкин:

Туш курдим, зулмат ўрмонини қаҳри.

Бойўғли қизлари терурлар чанок.

Йўлбарсдай сочади теграга қаҳрин,

Умр манзил кўриб бебош, беадок.

Туш кўрдим, уфқнинг аёллари ўйнар,

Шамол сийнасида энтикар ҳаёл.

Ялпиз бешикларида тонгни тебратар,

Бўйрада ялпизлар ундирган аёл,,,

«Имон» сўзи, тушунчаси, образи каби мумтоз шеъриятимизнинг бой меросига Абдувалида ҳавас кучли. Бунинг қувонтирадиган бир жиҳати улкан ва улуғ меросга шоирнинг муносиб ворисликка интилишида, борлиқни англаш ва талқин қилишда тасодиф билан доимийликни фарқлаб иш кўришидадир.

Бугунги ўзбек шеъриятида кўзга ташланган учинчи тамойил адабиётнинг сўз санъатлиги, унинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ,

Ойбек ёш китобхорларга мурожат этиб, уларга шеъриятни севиш, ундан баҳраманд бўлиш лозимлигини таъкидлар экан, бундай ёзган эди; «Шеърият дунёси, музыкасининг сеҳрли куйлари, баҳор шабадаси каби, сизнинг қалбингизга энг гўзал инсон ҳуснини беради, нафис завқ бағишлайди. Шеърий ва музыка дунёсида хулқингиз нозик гўзаллик, чуқур ҳиссиёт кашф этади. Таассуфлар бўлсинки, совет даврида шеъриятнинг ана шу, баҳор шабадаси каби, инсон қалбига энг гўзал инсон ҳуснини вазифасини адо этишга ярамади. У гражданликғоялари деб аталган залворли юкни кўтаришдан нарига ўтмади. Шеърият бундай оғар юклардан бир қадар озод бўлган ҳозирги даврда энди ўзининг бирламчи вазифасини бажариши-киш.илар қалбига назокат ва нафосат гулларини сочиши туйғуларини тарбиялаши, завқ-шавқ бағишлаши лозим.

Бу борада М. Юсуфнинг «Ишқ кемаси», Э. Шукуровнинг «Сочлари сумбула сумбул» Ҳ. Аҳмедовнинг «Тунги марварид гуллар», Ҳ. Асқарнинг «Тонгнинг бедор кўзлари» тўплами ва ёшларнинг қатор шеърлари мисол бўле олади.

Тўртинчи тамойил соф миллий хусусиятга, яъни миллат руҳиятининг бор кўриниши, ўз ифодасини топган шеърятнинг юзага келиши.

Миллий мустақилликнинг ижтимоий-сиёсий кўриниши бу миллий мафкура билан характерланади. Миллий истиқлолнинг асосий шартларидан бири мафкуравий мустақилликдир. У ўзида миллат тараққиётининг ғоявий йўналишини акс эттиради. Мафкура ўз мазмуни ва моҳиятига кура ҳам янгилаётган жамиятнинг йўналишини, унинг қиёфасини белгилаб беради. Миллий мафкура тараққиётида миллий анъаналарга, қадриятлар, маданий меросининг аҳамияти катта Чунки мафкуранинг миллийлик хусусиятлари халқнинг анъаналари ва қадриятларидан келиб чиқади. Мафкура концепцияси эса халқнинг тарихий ривожланишидаги тажрибаларини асос сифатида қабул қилади. Бу ўринда эса миллий анъаналар ва қадриятлар миллат мафкурасига ҳам моҳият, йўналиш, мазмун ва шакл беради. Шу боисдан ҳам миллий мафкура тараққиётини миллий анъаналарсиз тасаввур қилиб бўлмайди, Бу борада лирика катта рол ўйнайди ва ўйнапти. Бунга Шавкат Раҳмоннинг шеърляти яққол мисол бўлади. Унинг «Бўсаға» шеърда қуйидаги сатрларни ўқиш мумкин:

Паноҳ сўрадимми боримни ечиб,

ўзни урдими ё бирон эшикка?

қалтис лаҳзаларда оримдан кечиб,

Кирдимми сичқонлар кирган тешикка?!

қалтис лаҳзаларда синалар пайтим

дунёнинг кўзига қарадим қаттиқ...

Бу ўринда аجدодларимизга хос бўлган инсонийғурур, жўмардликни англаб олиш қийин эмас, яъни катта инсоний қадриятни. Унинг «Эски шеър», «Туркийлар», «Шарҳи ҳол», «Тариқат» каби шеърлари илгари сурилган фикрлар миллийғоя ва миллий мафкуранинг шаклланишига хизмат қилиши шубҳасиздир. Шарқ шериятида яратилган «Арбаин» ларда аввал ҳадиснинг арабча. форсча ёхуд туркий таржимаси келтирилади. кейин насрий баёни берилади. А. Ориповда эса ҳадиснинг асил шакли келтирилмай узи берилаверади чунки гап шаклида эмас, мазмун ва моҳиятдадур. Бугунги шериятга А.Орипов « Хаж дафтари » ва « Хикмат садолари» туркуми Билан ҳозирги узбек шериятига диний маърифий гоёлфрни биринчи булиб олиб кирди.

Маълумки инсонни ёмон иллатлардан фориғ булишга даъват этиш инсоний йулга йуллашдир. Инсоний иллатлардан бириғийбатдур. А.

Орипов худи шу ҳолатни «ғийбат» шерида вокза фониди акс эттиради. Бу ҳол шерга ҳаққонийлик ва ишонч бағишлаган:

Йулнинг канорида- шундоқ сарҳадда

Улимтик ер эди Аллақандай зот.

Ногоҳ Расулуллоҳ боқиб хайратда,

Жаброилга деди:- бу кимдир, хойхот!

Жаброил айтдики:- Бунда ҳар кимса,

Жазосин олгайдур қилмишига ҳос

Улимтик егувчи бул банда эса,

Умриниғийбат блан утказган ҳолос.

А. Ориповнинг тупламдан жой олган бошқа шерлари ҳам шундай хусусиятга эгаллиги блан Янги тамойил касб этади. Ёш шоирлардан бири Абдували қутбиддин ҳам исломий йулида таълай шерлар ёзган. Унинг шерларини махсус тайёргарликсиз мағзини чақиш қийин. Бу учун маълум даражада исломий билимга эга булмоқдаркор. Сирожиддин Саиднинг аксарт шерияти ҳам ислом асотири вағоялари руҳида ёзилган. У «Дунё масали» номли шерида шунлай ёзади:

Ранжуғам азалдан баробар келур,

Алар бир-бирига биродар келур.

Нечун севинчларинг бир хил,аё, Дунё ,

Нечун армонларинг бунчалар рангин?

Деган савол қуар экан, инсонларнинг тутган ишидан хайрон булади. Яни ҳору забунликда қолган инсонларга кумакка уз жинси эмас, сут эмизган жайронлар келганидан, инсонларнинг бадбиндлигидан куюнади. Шоир бунинг сабабини, албатта, узи билади. Шеъхоннинг эса маълум исломий билимга эга булмасдан англаши қийин.

Ўзбекистон халқ шоири Х. Худойбердиева миллийғоя ва мафқурани узгача идрок этади ва куради унинг шерларида аёллар сиймоси уларнинг жамиятдаги пеш қадам уринларда эканлигини уз шерларида акс эттиради. Аёлларнинг бадий сиймосини тарихий илдизлардан узмаган ҳолда чизади. Уаёлни беҳад еозлайди, унга ката ишонч билдиради:

Аёл- олов, аёл-гул,

Сочлар- арслоний ёллар,

Ишқда ёнмай булса қул

Хайф- ей, олов аёллар

Умуман олганда шердаги халқона оханг миллий жозибадорликни юзага келтирса, замиридаги фикр миллий мафкурани таъминлайди.

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ:

1. Бугунги кун талаби адабиётга қандай ёндошишни тақозо қилади?
2. Бугунги кун шеъриятининг табиати қандай?
3. Ижтимоий ҳаётдаги эврилишлар биринчи навбатда нимада (қайси жанрда) акс-садо беради?
4. Тоталитар тузим мафкурасининг салбий таъсири нималарда кўринади.
5. Бугунги шеъриятда нечта тамойил етакчиик қилади?
6. Миллийғоя ва миллий мафкура нима? Унинг шаклланишида шеърият қандай рол ўйнайди?

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

1. Тамойил-майл, мойиллик; тенденция
2. Миллийғоя миллат тафаккурининг маҳсули; инсон ва жамиятҳаётига маъно- мазмун бахш этадиган, унинг эзгу мақсадгаётқлайдиган фикрлар мажмуи.

2-МАВЗУ: ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ПОЭМАЧИЛИГИ (ДОСТОНЧИЛИГИ)ДА ЖАНР ВА ШАКЛ ИЗЛАНИШЛАРИ ҲАМДА МУАММОЛАР ТАЛҚИНИ

РЕЖА:

1. Бугунги поэмачилигида изланиш, яшариш, янгиланиш жараёни.
2. Монолог типигаги соф лирик поэмалар.
3. Эпик элементлар аралашган поэма-достонлар.
4. Лиро-эпик ва драматик турдаги поэма-достонлар,
5. Бугунги поэмачилигида ижтимоий қадриятларга ва маънавий-ахлоқий масалаларга, муҳаббат мавзусига янгича муносабат.
6. Бугунги ўзбек поэмачилиги (достончилиги)даги камчиликлар

АДАБИЁТЛАР:

1. Адабий турлар ва жанрлар. 1-жилд. Т., "Фан", 1991
2. Б.Норбоев. Истиқбол ва истеъдод тарбияси. Т., 1996
3. Эргаш Очилов, Муборак сарчашмалари. Т., 1997
4. Н.Раҳимжонов. Ўзбек совет адабиётида поэма. Т.1986
5. Н.Раҳимжонов Илмий тафаккур жилolari. Т., 1991 й.
6. Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услублар ранг-баранглиги. Т. , 1998.

Бугунги поэмачиликда изланиш, яшариш, янгиланиш жараёни кечмоқда.. Воқелик ва инсон табиатининг тинмай ўзгариб туриши, янги-янги юяларнинг туғилиши, макон ва замон хоссаларини янгича идрок этиш - буларнинг барчаси ҳаёт қатламларини тадқиқ қилишни теранлаштириш билан баробар янги шаклларни қам юзага чиқармоқда; адабиётимизда воқеа бўлган ҳар бир асар эса жанр қирраларини бойитмоқда. Яъни, халқ ҳаётининг ҳозирги тарихий тараққиёт босқичидаги муҳим ижтимоий-сиёсий масалаларни замондошларимиз руҳияти бўлан, кунгилда туғилиб қолган гаплар билан омукталикида чуқур таҳлил қилиш кучайди; инсон нима учун дунёга келади, у қандай яшаши лозим каби саволлар ҳозирги поэмачилигимизнинг диққат марказида туради.

Ҳозирги лирик поэмаларимиз объектив кўриниши жиҳатидан йккига бўлинади. Биринчиси, монолог типигаги соф лирик поэмалар бўлса, иккинчиси, эпик элементлар аралашган лирик поэмалардир. Бу ҳар икки тур бугунги кун поэмачилигимиз тараққиётида етакчи ўринни эгаллаб бораётир.

Монолог типигаги соф лирик поэмаларда лирик қаҳрамон қалби ҳамда ундаги туғёнли ҳиссиетлар , кечинмали ўйлар орқали объектив воқелик хоссаларини кўрамиз ва ҳис қиламиз. Умуман, ҳаёт материалининг характери тасвир йўналишини тақозо қилади. Сўнгги йилларда лирик поэмаларга эпик элементларнинг кириб келишини ҳаёт материалининг ўзи талаб қилди. Шундай ҳаёт материаллари ҳам бўладики, улар моҳиятини монологда , лирик планда очиш қийин. Шу боисдан унинг характери эпик

элементларни тақозо қилади. Ҳаёт материали ўзини (ўрни келганда) объектив тарзда тасвирлаш учун шоирни "мажбур қилади". Нарса ва воқеа-ҳодисалар қаршисида турган лирик қаҳрамоннинг қалб нидоларини ифодалаш бевосита, объектив борлиқдаги воқеа-ҳодиса ва нарсаларнинг ўз образларини яратиш билан бир қаторда, улар қаршисида турган қалб садоларини, ҳам бериш, ҳам бевосита, ҳам бавосита тасвир усулидир.

Сўнгги йилларда бу ҳар икки типдаги поэмаларда ҳам лирик қаҳрамон характери яратишда тасвирда руҳият бош омилга айланди. Яъни, лирик қаҳрамон руҳиятини ижтимоий муҳит, воқелик масалалари билан уйғун ҳолда тадқиқ этиш майли кучайди. Буни қуйидаги объектив ва субъектив омиллар билан изоҳлаш мумкин,

Биринчидан, сўнгги йилларда инсон шахсига бўлган эътиборнинг кучайиши инсоннинг руҳий иқлимларини қалбининг тўрт фаслини тадқиқ этиш бевосита, унинг оиғи, савияси, фантазиясини ҳам кенг қамраб олишни тақозо этди. Кейинги пайтда ҳаётимиздаги улкан ўзгаришлар, мустақилликка эришиш унинг шарофати билан кенг дунёга чиқиш, инсон маънавий дунёсини ҳам онгини ҳам, фикрлашини ҳам, тубдан ўзгартириб юборди, Бу мушоҳадакорлик теран фикрлаш жараёни фақат айрим одамлар шахсидагина рўй бериб қолмай, бутун халқ учун характериладир.

Иккинчидан, бугунги инсон қалбини жамият қалби билан омукта тадқиқ этиш, ижодкордан унга чуқур мушоҳавадилек билан ёндашишни талаб этади.. Натижада, фалсафий ўйлар билан йўғрилган поэмалар юзага келмоқда. Демак, жанр табиатида (лирик қаҳрамон руҳиятини намоён қилишда) интелектуаллек , фалсафийлек, фикрий толеранлек сингари белгилар чуқур илдиз отапди.

Кейинги даврда бир қатор достонлар яратилди. Булар Фахрёрнинг "Ёзиқ" (1998 й.) , Наби Жалолиднинг "Чиптасиз одамлар" (Булгаков ва Чўлпонга бағишланган) , Икром Отамуроднинг "Ичкари. . . ташқари" (1997 й.), Чўлпон Эргашнинг "Раънонинг савдоси" (1997 й.), Тўлан Низомнинг "Чўлпон" достонидир.

Тўлан Низомнинг "Чўлпон" достони (1992) хазин рух, мунгли нидолар заминига қурилган. Достон ўзбек шеърлятида ўзига хос воқеа ҳисобланган асар, чунки унда буюк шоиримизнинг аччиқ қисмати, нозик шоирона қалби, маънавий олами теран таҳлил этилган. Тўлан Низомнинг «Чўлпон»к достони ўрни-ўрни Билан ҳаётй воқеликни хикоя қилиши, бу Билан давр картинасини яратиш ила эпиклек касб этади. Лекин унда лирик туйу, ички дард устун.Бу наrsa достонини лира-эпик жанирга мансублигини таъминляйди. Достон « Учар юлдуз» сарлавхали бўлимдан бошланади. Шоирнинг бунлай номлаши бежиз эмас. Маълумки, осмондан бир юлдуз учса ҳаётдан бир одамни кетганининг белгиси деб ҳисоблашган. Шоир шу ақидага ишора қилади. Чўлпоннинг тақдири узок вақт мавхум бўлган. Тўлан Низомов шунга ишора қилади.

«Садо» бўлимида эса шоирнинг илтижоларига садо берилади. Бу садо замирида ҳақиқат ётади. Яни Чўлпоннинг қисматини давр фожиаси шунингдек, унинг шахсияти Аниқ кўз олдимизда гавдвлнади:

Япроқ Янглиқ узулдим.,қора тақдир эмасми бу ?

Тилларимни кесдилар, менга тақдир эмасми бу?

Боғланди оёқ-қулим , доғули даҳр эмасми бу?

Виждоним бут ҳам ҳалол бир мусулмон эдим, дўстлар.

« Мухаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар».

Сен шодонсан, деб қулгуларим олдилар,

Ерга сиғмас, оташин туйғуларимни олдилар,

қаламимдан тўкилган қайғуларимни олдилар,

Юртга виждон халққа рух, илимга шон эдим дўстлар,

«Мухаббат осмонда гўзал Чўлпон эдим,дўстлар».

« Туткун бўлимидаги мисраларда нафақат Чўлпон балки А. кодирий ,Фитрат, У. Носир ларнинг қисматини ҳам кўз олдимизда келтирамиз, бундан қалбимизғуссага тўлади. қуйидаги мисралар эса ўзлигимизни чуқУр англашга ва мустақиллигимизни муотажкамлашга хизмат қилади.

Пок иймонга ўқ отилди, бир мусулмон уйғонмади,

Тугилган юрт, ё Фаргона, ё Андижон уйғонмади.

Ҳар сатридан меҳри томган бу Туркистон уйғонмади.

Онам дея зардоб ютган Ўзбекистон уйғонмади.

Ўзбекистон, шоир ўглинг - Чўлпоннингга ким ўқ узди,

Ўқ овози ярим кеча ухлаётган кўкни бузди.

қотил ўқидан бегуноҳ ўлаётган шори оҳидан кўк уйғонмади, аммо бир мусулмон, бир виждонли инсон уйғонмади, яъни кўксини қалқон қилиб тенгсиз санъаткор ўғлини ҳимоя қила олмади. Сабаби улар эрксиз қуллар, муте одамлар эди. Тўлан Низом ана шу фожа илдизини ҳислар, туйғулар, изтироблар силсиласида теран ва таъсирли инкишоф қилади.достоннинг адабиётда тутган ўрни ва аҳамияти шундан иборат .

Эшқобил Шукурнинг «Ибтидо хатоси» номли драматик достонида қадимий афсонага мурожат қилинган. Унинг қаҳрамонлари ҳам китобхонга таниш, яни яхшилик олами Ахурамазда Билан ёмонлик олами тимсоли Архиммандир.Лекин шоир шу азалий мавзу, қадимги қаҳрамонлар фаолиятида муҳим фалсафийғоя ярата олган яни инсоният оламидаги драматик ҳолат моҳиятини инкишоф қилиш Билан бирга унинг ҳаётдаги ўрни ва табиатини кўрсата билган. Достонда кўп ҳаётий ҳақиқат ҳам ўз ифодасини топган

У. Азимовнинг « Оқ падар» асарини гарчи шоирнинг ўзи нотариий драматик достон деб атасада, у бир қадар тарихийликка эга. Чунки достондаги воқеа шоир тасвирлвгвандвн ўзгача бир тарзда ҳаётда бўлиб ўтган. У. Азим эса бу тарихий воқеликнинг бир қиррасини олган,Яни севги чизигини. У. Азим бу тарихий воқеанинг ўзғоясига бўй сундурган .Достонда шахзодани хатарли йўлдан қайтаришни ҳаётдагидек муллалар

эмас, хоирнинг тўқима образи Оабек бажаради. Шахзода ва Отабек ўртасида шундай диалог кечади:

Отабек

Лаънат Билан ёзилган исминг

Асрларнинг саҳифасига.

Номусулмон.

Энди умринг қадардир сенга ...

Билмайсанми, билмасанг айтай

Ўша подшоҳ надардир сенга!

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ:

1. Бугунги поэмачиликда қандай изланиш ва янгиланиш жараёни кечмоқда?
2. Лирик поэма объектив кўриниш жиҳатидан нечига бўлинади?
3. Лирик қаҳрамон характери яратишда нима бош омилга айланган?
4. Сўнгги йилларда поэмачиликда нимага эътибор кучайди?
5. Драматик поэма қандай хусусиятга эга?

ТАНЯЧ ТУШУНЧАЛАР:

1. Достон - 1.Хийла, макр, фириб, найранг. 2.Нагма, назо, мақом. 3.Афсона, қисса. 4.Рустамнинг отаси, Золнинг лақаби. 5.қаҳрамонларнинг саргузаштлари, ўзаро муносабатлари ва кечинмаларини кенг кўламда тасвирловчи йирик ҳажмдаги шеърый асар.

2. Поэма - ҳайётий воқеа-ҳодисаларни, шоирнинг ва қаҳрамонларнинг кечинмаларини қоришиқ ҳолда тасвирловчи, достондан кичикроқ ҳажмдаги шеърый асар.

3-МАВЗУ: БУГУНГИ ҲИКОЯЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ ВА ТАРАҚҚИЁТ ХУСУСИЯТЛАРИ

РЕЖА

1. Ҳаётнинг моҳиятини, инсоннинг ҳаётидаги ўрни, яшашдан мақсади каби масалалар моҳиятини очиб берувчи ҳикоялар.
2. Маънавий-ахлоқий масалалар инсоннинг рухий дунёси орқали очиб берилган ҳикоялар.
3. Инсон қадр-қиммати масаласи яратилган, тоталитар жамият иллатлари фош қилинган, мутелик психологиясининг туб моҳияти инкишоф қилинган психологик ҳикоялар.
4. Тарихий воқелик тўғри ёритилган, тарихий шахслар фаолиятига тўғри позицияда бўлган тарихий мавзудаги ҳикоялар

АДАБИЁТЛАР:

1. Адабий турлар ва жанрлар. 1-жилд. Т-1991 й
2. Т.Жўраев. Онг оқими ва тасвирийлик. Т. "Фан", 1994 й
3. Ҳ.Каримов. Жанрми ёки услуб.Т. «Фан», 1991 й
4. Ҳ.Каримов. Давр ва инсон. Т. «Фан»,1992 й
5. Ҳ.Каримов. Миллий-озодлик курашчилари ва адабиёт.Т.1997 й
6. Ҳ.Каримов. Шукур Холмиров.Т.1999 й
7. И.Мирзаев. Адабиёт ва давр дарди. Т. 1990 й
8. И.Мирзаев. Насримиз бадиий олами. Т. 1991 й
9. М.қаршибоев. Талотўпдан уйғунлик сари. Т. 1998 й

Кейинги йилларда ўзбек ҳикоячилигида ўзига хос уйғониш, янгиланиш жараёни кечмоқда. Маълумки, бадиий ижодда муайян йўналишнинг вужудга келиши тасодифан рўй бермайди, балки ҳар қандай тамойилнинг вужудга келиш тарихи, қўлами, миқёси ва истиқболи бўлади. Бадиий адабиётдаги тамойилларининг вужудга келиши бадиий тафаккурдаги ўзгаришлар жараёнидан бошланади. Шундай ўзгаришни истиқбол берди. Албатта янгича тафаккурнинг самараси янгича қарашдаги ижоддир. Шундай ижоднинг бири Асқад Мухторнинг «фано ва бақо» ҳикоясидир.

Ҳикоя 1992 йилда тоталитар жамият мафкурасидан ҳоли мустақиллик туғдирган имконият туфайли шарқ фалсафаси тамойилида ёзилган. Унда инсоннинг икки дунёси - фано ва бақо хусусида фикр юритилади.

Шарқ фалсафаси «куръон» ва «Ҳадис»ларда илгари сурилган фикрларга қўра, инсон фоний дунёдаги ҳаёти унинг охиратини белгилайди. Маълумки совет мафкураси буни инкор қилганлиги учун кўпчилик инсонийлик мезонларига қарши йул тутишган, охиратни ўйлашмаган. Лекин ҳаёт ҳақиқатидан маълумки, бутун умри фосикдикда ўтган, унинг эвазига ҳаёти яхши кечганлигидан бу * хусусида умуман ўйлаб кўрмаган кас ҳам ўлими кўзига кўринганда ўз гуноҳларини тан олади, виждони кийналади. Ҳикояда худди мана шу ҳақиқат Холхўжа ва Очил образлари

фаОлиятида очиб берилади. Ҳикояни ўқиган китобхон қаҳрамонлар қалбидаги диёнатсизликнинг туб асоси тоталитар тузумнинг ўзида деган хулосага келади. Буни Холхўжа, Очил очик эътироф этишади. Уларни ажал бўтиздан олганда ўртада шундай гап кечади: «Тўғри-ю, лекин ҳамма ёмонликни шу дунёдаўргандик, шу ерда орттирдик барини. Одам боласи дунёга соф келади, бу ерда орттирган жамики қабихликларни, жинояту пасткашликларни ташлаб соф кетиш керак эмасми?»

— Бу гапингиз тўғри. Тирикчидик - асли тирриқчилик. У дунёга ишонмийди-да, кўплар. Шунинг учун кўркмай кирдикорларини қилаверади.

—Боқий дунёнинг борлиги, унинг остонасига келганимиздагина ёдимизга тушади. Инсон унинг борлигига бир умр иймон келтирса, каптар келиб.қузгун кетмайди....дорилбақо... остонасида турган киши учун фанонинг ўзи ҳам, у туғдирган мудҳиш гуноҳлар ҳам ҳеч нима эмас. Фақат уларни бу дунёга ташлаб кетиш керак.. - Ташлаб кетиб бўлар эканми... - деди Очил, эсанкираб. -Бўлади,-деди Холхужа ...Кимгадир ёрилиш керак. Ёриладиганинг бўлмаса ёмон ичингда кетади. Хайрият мана...

Бу уларни бақо дунё олдида тавба қилишлари эди. Лекин улар бу фано' дунёда ўз ҳаётларини имонсизлик асосига кўрганликлари туфайли ўлим чекинган, яна аввалгидек фосиқлигини давом эттиришади. Чунки уларнинг хаамири социалистик жамиятнинг ўзидан, яъни диёнатсизлик ва имонсизликдан қорилган. асқад Мухтор ҳикоя қаҳрамонлари фаолияти ва хатти-ҳаракатидан келиб чиқиб, инсонни охиратдан огоҳ қилади. У ёзади: «Азобли йўлнинг барини бир-бир босиб ўтиш керак. Фанода ҳам, Бақода Худованди Карим бир инсонга икки дунёни бериб қ^йибди. Аммо имонни бой берганга иккаласи ҳам ҳаром экан...

Хайриддин Султоннинг «қоғоз гуллар» номли ҳикояси ҳам характерли. Ҳикояда икки хил инсон қалби, унинг маънавий олами таҳлил қилинган. кишлоқдан чиққан олим Омон /аниев Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир аъзолигига сайланади. У барча табрик ва шодиёнлардан сўнг болаликдаги истеъдодли дўсти Сайдаз-Сайдазимнинг келмаганлигини ўйлаб ўтмишини эслайди. Бу эслаш одатдаги болалигини, дўстларини қумсаш эмас, балки ҳаётий фаолиятини виждони олдида элакдан ўтказиш, ўзига ҳисоб беришдир. Бу ҳолат ўзида маълум бир юк ташийдики, бу юк ибратли бўлгани учун кишига юқумли ва таъсирлидир. Чунки унда табиийлик билан сохталикни қиёслаш, ҳаётда тўғрилиқни, яхшилиқни тасдиқлаш билан кимларнидир соясида паноҳ топиб, унга мумкин қадар ёқиш йўлини излаш, шу туфайли у босган йўлдан унинг ярим даражасига эришишни ийкор қилиш ва мана шу типдаги кишиларни фош қилиш масаласи ўз ифодасини топган. Омон /аниев ўзини Сақдаз ва Зариф Усмоновлардан кам истеъдодга эғалигини билади. Лекин у ўрни келганда вазиятга мослашади, бироқ мунофиқ эмас. Шундан у қалбан қийналади. /ани Неъматов, Латипов каби ўзганинг фожиасидан бошқаларга суюнчи тилаб уларга яқинлашиб олмайди, ундайлардан жирканади. У ёзувчи Омон /аниев хотираси борасидан Сайдаз образини ёритади. Бу образ Омон /аниев

характеридан тамом фарқ қилади. Сайдазнинг болалиги қийинчиликда кечган. Дарсдан кейин ҳам бошқалар каби ўйнаб кулмаган, Унга вақти бўлмаган, тирикчиликдан. Бунинг устига доим усти юпун эди. Лекин у мағрур ва фавқуллода қобилиятга эга эди: Омон ёш математика ўқитувчисига, унинг хотинини кўзига ёмон кўриниб, билиб олган нарсасини Сайдаз бир зумда ҳал қиларди. Сайдазнинг ҳаёти аянчли бўлишига қарамай, мактабда аъло ўқир эди. Лекин мағрурлиги ноҳақлик олдида бўйин эгмаслиги туфайли мактабда олтин медалга илинмаган бўлса, институтга киргач, шу хусусиятлари сабабли 3-курсдан ҳайдалади. Армияга борди, ундан қайтгач деҳқончилик билан шуғулланди, умуман ўқишдан четланиб кетди, лекин одамгарчиликдан эмас. Унинг дўсти Омон /аниев Академиянинг мухбир аъзоси бўлган бир пайтда, у оддий бир деҳқонлигича қолди. Бироқ қалбнинг она заминдек кенглиги, дили ҳар қандайғуборлардан холи, булоқдек мусаффолиги ҳам ўзгармади. Ўзининг бу инсоний хусусиятини у фарзандларига ҳам сингдирди. Унинг фалсафаси ҳаётда ҳалол ва бировга қарам бўлмасдан ўз меҳнати билан, шунингдек, ўз иқтидорига ишониб, эътиқодига содиқ қолиб яшаш, шундан дўсти Омон /аниев ўғли Нуриддинни ўқишга киришида ўзининг қўли борлигини айтганда ёниб кетади. Ўғлининг ёрдам сўраб борганига ишонмайди. Агар шу рост бўлса, ўқишдан чиқазиб оламан деб, дўстидан ростини айтишни сўрайди. У гапни айлантиргач, дўсти характеридаги заифликни ҳис қилади. Бу заифлик ўзининг қандай одамлигини кўрсатишга бўлган интилиш эди. Мана шу гап туфайли у дўстининг тантанасига келмаган эди. Биз буларнинг барчасини Омон /аниевнинг ички изтиробларидан англаймиз. Ҳикояни ўқиш давомида Сайдаз-Сайдазим кўзимизга улуғвор кўрина бошлайди, гарчи у ҳаётда оддий одам бўлишига қарамай. Унинг улуғворлиги софлигида, ҳар қанақа вазиятда ҳақиқатни айтишида ва ўз принциpidан чекланмаслигидадир. Омон /аниевнинг ўз ҳаёти фаолиятида виждонига қарши тескари иш тутганлигини эслаб ўқиниши, ўзидан Сайдазни устун қўйиши софлик ва ҳақиқатнинг ҳаётдаги тантанасидир.

Алишер Ибодиновнинг ҳикояларида ўзгача бир тенденция кўзга ташланади. Бу аввало, ҳикоядаги лиризмнинг кучлилигидир. Унинг ҳикоялари шунчалик туйғуларга, ҳиссиётга бойки, асар финалига етгач, киши ўша сеҳрли гўзал бир оламдан ажралиб қолганига надомат қилади, ҳикояни яна бир ўқишга киришади, иккинчи ўқиш давомида бу гўзал оламнинг замирида ётган чин моҳиятни англаб, ўз қалбида ҳам қандайдир ўзгача, киши сўз билан англашиб бўлмайдиган бир туйғудан фикр уммонигағарқ бўлади. Бу жиҳатдан унинг «Бир томчи ёш», «Кўл бўйида» ҳикоялари ёрқин мисол бўла олади. Аввало бу ҳикоялар илгари сурмоқчи бўлган идеясининг юксаклиги, у замон ва инсонийлик муаммолари билан амукталиги жиҳатдан ажралиб турса, иккинчи томондан бадиий ижоднинг бутун компонентларига амал қилинганлиги ўз самарасини кўрсатгани, яъни бу нарса ўзгача оҳанг касб этган ҳикояга. «Бир томчи ёш» ҳикоясининг қаҳрамони Маъсума. Биз воқеалар силсиласидан ҳикоя қаҳрамони Маъсуманинг бутун фазилатларини билиб борамиз, яъни унинг

гўзаллигини, китоб ўқишига яраша диди борлигини, анча мулоҳазакор ва ҳиссиётли қизлигини, шунингдек, унинг ўз оиласидаги ҳаёти ва унга бўлган муносабати ва ниҳоят бу хонадонга келин бўлиб тушганини. Ҳикоя ана шу қалбнинг гўзаллик, нафосат оламининг тимсоли бўлган биллур юракнинг тимсолигина эмас, балки ўзи бўлган сиймони қаттиқ ва тузалмас зарба ейтиши билан тугайди. Яъни кўими-озми она таъсирига берилиши, тезроқ машинага эришиш иштиёқида ҳамма нарсани унутиш даражасига етган эри Ражаббекнинг шафқатсизлик билан қилган муомаласи гўзаллик, эзгулик, нафосатлик, туйғунлик ниҳолини юлиб ташлади. Бу билан ўша муҳитда, яъни Маъсума яшаётган қишлоқда ҳаётни, яшашни фақат меҳнат қилиш,- у, бола боқиш деб биладиган, дунёқараши, ҳиссиёти ҳамма, ҳаммаси ўзи яшаётган муҳитга мослашиб кетган кишиларнинг сонни яна биттага орттирди.

Ёзувчи Маъсуманинг ҳолатини, кайфиятини қисқа, лўнда, зарбдор жумлаларда беради. Бу биринчидан конкретлик ҳосил қилса, иккинчидан, шеърӣ бир форма, тўғрироғи оқ теър шаклини юзага келтирган. Мана тасвирга ва жумлалар тузилишига эътибор беринг: «У кўрпа устида ётолмай тўлғонди, Ичи қизиди. Нимадир юрагини кавлаб, ҳол-жонига кўймасди. Кўнглини бўшатгиси келар эди. Урнидан туриб, шеър дафтарини одди. Ёстикқа кўкрагини бериб ёза бошлади. Ниҳоят кўнгли ёришди, ўзини пардай енгил ҳис қилди. Вужудини ширин титроқ босди.

қоронғи кучадан визиллаб ўтган машинанинг ёрути тушди. Маъсума пастки, лабини тишлаб, кўзларини шўх ўйнатди-да,. бир варақ қоғозга ёзди:

қирларда лолалар очилди,
Йигит-қизга гилам паендоз,
Сизни кута бағрим эзилди,
Сиз-чи, кимга айтасиз роз?

У бу шеърни эрини ўқиши учун естик устига кўяди ва ўзини ухлаганга солади, Эрининг қадамини эшитиб юраги дукиллайди. Шеърни ўқигач , эрининг қиладиган муомаласини ҳаёлан кўз олдига келтириб, кунгли эрийди, ширин бир кайфиятга берилади. Лекин эрига хотинининг интизорлик билан кутиши, унинг шеъри қизиқтирмайди, балки сигирнинг олдида ўт йўхлигидан бутун дудёси қоронгу бўлиб, хотинига дағдаға қилади: «Падарингга лаънат сендай хотиннинг! Сигир очидан ўлай дебди-ку! На ут юлибсан, на уйдан бир нима топиб солибсан! Ялпайиб етишингни қара!»

Ҳикоянинг финали гўё мусиқанинг энг авжига чиққанда торнинг узилишига ўхшайди. Тор узилса~да, унинг киши қалбига ўтказган таъсири узоқ сақланади, кулоғи остида ўша дастлабки куй жаранглаб туради. Алишерни «Кўл буйида» номли ҳикояси ҳақида ҳам шундай тиниқ тасвир ва инсон қалбининг теран таҳлилини, шунингдек , инкишофини кўрамиз.

Шукур Холмерзаев ҳикояларининг фазилатларидан бири кутилмаган ечимга эғалиги ва тасвирланган ҳар бир нарса, воқеа, деталнинг мақсад сари хизмат қилиши, қаҳрамон хатти-ҳаракатидаги табиийлик. Бу

хусусиятни деярли барча ҳикояларида кузатиш мумкин. Лекин асосий гап ҳикоя воқеалари замирига сингдирилганғоянинг салмогида, фалсафийлигида. Агар у заиф бўлса, бадий компонентлар ҳар қанча маҳорат билан қўлланмасин, ҳикоянинг киши қалбидан жой олишқ, киши шуурига таъсир қилиши душвордир. Ш. Холмирзаев мумкин қадарғоя салмоғига ҳам эътибор беради. У ўз услубига, уз оаозига эга ёзувчидир.

Ёзувчи ижодининг ўзига хослиги Айни пайтда ижодий жараённинг узига хослигини белгилайди. Ижодий жараён ҳар бир ёзувчида ўзига хос тарзда кечади. Ш.Холмирзаев ўзига хос шахсий бадий услуб сохиби сифатида тақлидчиликдан, бир ёқламаликдан, баёнчиликдан қочади. Сўзга ҳасис бўлсала, фикрини ўқувчига тўла ва ёрқин етказишга эришади. Бироқ, базан унинг асарлари тугалланмагандек таъссурот уйғотади. Ўқувчи асар давомини кутади. қахрамонлар портретини чизмайди,асосий этиборини характер яратишга қаратгандек туюладики, ўқувчини ўйлашга, чуқУр мулоҳаза қилишга мажбур қилади. Асар қахрамонлари устидан чиқарилгнн ҳукумўқувчи эътиборига ҳавола этилади. Агар бадий ният асарнинг туғулиши учу насос бўлса, маҳорат шу асосни рўёбга чиқарувчи имкондир. Шакл эса унинг ҳосиласи. Бу тизм Ш.Холмирзаев асарларининг табиатини ҳар доим белгилаб келган ва келмоқда.

Ҳозирги ёзувчилар учун асосий нарсa бу- ўз қахрамони учун инсон нафақат шунчаки яшай оладиган, балки ҳозирги кунни англаш ва ўтмишни эслаши учун замонни топаолишдан иборат. Бу унинг истиқболининг шарти ҳисобланади. Масалан Нью Эшонқуловнинг «Муолажа» ҳикояси ҳудди шу- одамларни уларнинг хотираси ва фикрлаш имкониятини маҳв жтиш орқали Айни келажакдан маҳрум етишари еўғрисида

«Кимсасиз ҳовли» ҳикоясини ўқиш давомида китобхон пулга, бойликка муккасидан кетган икки савдо ходими 7 Ҳосила билан Умарнинг қисмати қандай ниҳоя топар экан, уларнинг қилмиши учун ҳает қандай жазолар экан деб ўйлайди. Ҳикоя эса кутилмаган фожиа билан тугайди. Яъни армиядан келган якка-ю ягона ўтиллари Умнатжонни итлари Жек чайнаб ташлайди. Кечаси келган Умнатжон дарвоза қўнғироғини босганда ҳеч ким сас бермайди. Чунки унинг ота-онаси кечасм эшик очишни аллақачон тарк этишган эди. қўнғироққа эшик очмасликка сабаб улар ҳаммадан, ҳар нарсадан кўркишади.

Кутилмаган ечим билан тугаган ҳикоянинг фазилати шундаки, унинг таъсири киши қалбига зарб билан тегиши, Маълумки, зарб билан теккан нарсанинг оғриғи кучли бўлади. Демак, у киши қалбида оғриқ пайдо қилади. Оғриқ эса сўзсиз изсиз ўтмайди.

70 йил давомида тамом бошқа шароитда, яъни ҳар бир қадам ўлчовли, фақат юқоридан буюрилган ишни бажаришга ўрганган, мустақил бир иш қилиш у ёқда турсин, ҳатто фикрлаш ҳам мумкин бўлмаган бир шароитда яшаган халқ бирданига мустақилликка эришгач шошиб қолди. Кўплаб авантюристлик ҳаракатни бошлаб, абгор ҳолга туша бошлади. Ёзувчининг ўша даврда ёзилган «Озодлик» ҳикоясида худди шу ҳолат қаламга олинган.

Ҳеч бир гуноҳи бўлмаган Мансур ўз даврасидагилардан бири қилган жиноят туфайли 10 йилга кесилиб кетади. Бу ҳам тоталитар т)ғзумнинг қиёфасини белгилаб берадиган ҳолатлардан биридир. Унинг озодликка чиқиши, республиканинг мустақилликка эришган қуиларига тўғри келади. Мансур мустақилликнинг самарасини ўзининг ҳаётида кўрди. У отасидан қолган қулбани эпақага келтириб сотди. Пулига 3-4 совлиқ олиб, қирга кўчиб чиқди. Дўсти Омоннингқўмагида икки уй, бир даҳлиз тиклади. Ўзига ўхшаган етимғарибгина қизга уиланиб, қаддини тиклади. Ҳатто, тузуккина ишга ҳам эга бўлди, яъни «тўқсон чақиримлимасофодаги кабелларни назорат қилиб юривчилик» амалига эришди. Ўғил кўрди. қишлоққарияларини ва дўст - биродарларини чақириб, ош ҳамда зиёфат бериб, элга қўшилди. Унинг барчаси мустақилликнинг шарофатидандир. Агар аввалги давр бўлганда Мансур буларнинг биронтасига ҳам эриша олмасди. Чунки, қамалиб чиққан одамни ҳеч бир қорхона ишга олмасди.

Ҳикоя жуда катта фалсафий рамзийлик билан ниҳоясига етади. Мансур бутун вужудидан меҳр қўйган қалбига қасддан озод қилади. Лекин қалб гарчи ўзи ўсган маконда - тоғ бағри, арчазорда қўйиб юборилган бўлсада, ўчиб кетмайди. қасд атрофида ўралашиб, у бу нарсани чуқилаб юраверади. Унга кўзи тушган тулки писиб келади. Тулкини кўрган қалб қочиш ўрнига унга қараб югуради. Чунки ҳовлида сариқ ит бўлиб, у ундан қочмас эди. Тулкини ҳам ит фаҳмлаб унга ет булади. Демак, мустақил иш қилишга ўрганмаган қимса, мустақил яшай олмайди, Шўро даврида шундай эди. Барча юқоридан айтилгдн, буюрилган. нарсани бажаришарди, Мустақил бир иш қилишга руҳсат йўқ эди. Шундан мустақиллик қўлга теккач, қўпчилик нима- қилишяни билмай қанғиб аросатда қолди. Мансур оғирликка чидаб иймонини йўқотмаганини, озодликка тағдналиги учун ўз йўлини топди. Эзгу хатти-ҳаракати билан бошқаларнинг ҳам кўзини очди. Ҳикояда бу фикр қуруқ айтилмайди, воқеалар қалбига сингдирилади. Ёзувчининг маҳорати ҳам ана шундадир.

Хулоса қилиб айтсак, энг яхши ҳикояларимиз юни кўрсатдики, ҳозирги замон насримиз миллатпарварлик қиёфасидаги миллий маҳдудлик эмас, бемалол дунё адабиёти билан тенглашиш йўлига интиляпти.

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ:

1. Бугунги кун ҳикоячилигининг ўзига хослиги нимада?
2. Ҳикоянавислик ўз ижодларида асосий нуқтани нимага қаратяпти?
3. Маън^ввий-ахлоқий масалалар ҳикоячиликда қандай ўз ифодасини топган?
4. Тарихий, воқелик бугунги кун ҳикоячилигида қандай ёритилляпти?
5. Бугунги кун ҳикоялари тоталитар тузум давридаги ҳикоялардан нимаси билан фарқ қилади?

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Бадиий тафаккур - ижодкорнинг ҳаёт, жамият, қалб турмуш, инсон хусусидаги индивидуал ўй-фикрлари, мулоҳазаларини бадиий асар

воқеалари, қаҳрамони хатти-ҳаракати, фаолияти орқали ифодаланиши. Ҳикоя- айна кунларда, ўтмишда кечган, кечаётган воқелик ҳақида долзарб бадиий умумлашма ясовчи ҳаёт барометри; ҳозиржавоб жанр.

4-МАВЗУ: ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ҚИССАЧИЛИГИНИНГ ҚИРРАЛАРИ

РЕЖА:

1. Ижтимоий муаммолар ва миллий қадриятлар акс этган қиссалар.
2. Мутелик руҳиятини салбий оқибатлари очиб берилган қиссалар.
3. Афғон урушининг манзаралари орқали социалистик тузумнинг шармандалари сиёсати очиб ташланган қиссалар.
4. Миллий-озодлик курашчилари фаолияти ва образлари янги таҳлил қилинган қиссалар.
5. Маънавий-ахлоқий муаммолар ва инсоний миллатларнинг келиб чиқиш асослари тўғрисида таҳлил қилинган қиссалар.

АДАБИЁТЛАР:

1. Адабий турлар ва жанрлар. 1-жилд. Т. «Фаю», 1991
2. А.Аброров «Ўзбек повести». Т. «Фан» 1973 йил.
3. Ҳ.Каримов «Жанрми ёки услуб» Т. «Фан» 1991.
4. Ҳ.Каримов «Давр ва инсон» Т. «Фан» 1992
5. Ҳ.Каримов «Миллий озодлик курашчилари ва адабиёт» Т. «Камолот» 1997
6. Ҳ.Каримов Шукур Холмиров «Камолот» 1999
7. Ф. Олим «Миллий сўз» Т. «Ёзувчи» 1999.
8. А.Улуғов «қиссачилигимиз қирралари» Т. «Ўқитувчи» 1991
9. И. Мирзаев «Насримиз абадий олами» Т., 1991 й.
10. Мирзаев «Адабиёт ва давр дарди» Т., 1990

Маънавий уйғониш самараси одамларнинг ўзидиганини англаш, миллий гуруҳ, орият, авлод-аждодларимиз ўтмишидан фохрланиш, келажак ҳар кимнинг ўз қўлида, меҳнатида ва онгли фаолиятида эканлигини ҳис қилишда намоён бўлмоқда. Бугунги куннинг вазифаси адабиётни миллатнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини, одамларнинг ақлий ва руҳий маданиятларини юксалтиришга хизмат қилдиришдир. Чунки оламни шу пайтгача айтиб келганимиздек, гўзаллик эмас, маънавият ва эзгулик асрайди. Уни қомил инсон юзага келтиради. Қомилликни юзага келтиришда бадиий адабиёт муҳим омилдир. Буни яхши англаган ёзувчилар шу йўлда самарали ижод қилмоқдалар. Бу борада. Ҳ.Султон, Э.Аъзамов, А.Ибодин, Шойим Бўтаев, Нормурод Норқобилов ва бошқаларнинг ижоди катта роль ўйнапти.

қайсики асарда инсоний кечинмалар жараёни изтироблари, меҳр-моҳияти, ўзининг фалсафий . талқинини топса, воқеалар тарихдан чекинмайди. Ёритилса, ўша асар ҳар қандай жамият ўзгаришларида ҳам умрини тугатмай яшаб қолади. Хайридин Султоновнинг «Саодат соҳили» қиссаси ана шундай фазилатга эгаллиги билан китобхон қалбини забт этади ,ва маънавий оламини бойитиш орқали ўз ҳаёт йўлини тўғри белгилашга имкон тугдиради. Бу нарса эса ўз навбатида, жамиятнинг инсонийлашувига, демократиянинг янада кучайишига кўмак беради ва асос

хам бўлади. Чунки халқи комил бўлган жамиятдагина адолат ва инсон манфаатларига йўналтирилган қонун ҳукм суради. Демак асар инсон келажаги учун хизмат қилади.

қисса Бобур Мирзо умрининг сўнгш кунлари воқеасига бағишланган. Асарда воқелик эмас, инсоний кечинмалар, яъни инсоннинг ўзи босиб ўтган ҳаёт йўлини фикр элагидан ўтказганда юзага келадиган изтироб, армон етакчилик қилади. Бу ҳолатлар Тошкентдан Бобур кутубхонасидаги нодир китоблар билан танишиш истагида келган тарихчи олим Ҳофиз Куйкий билан бўлган мулоқотда ўз ифодасини топади. Бу мулоқотда билдирилган фикрлар Бобур Мирзонинг қалбига тинчлик бермай келаётган изтиробларининг моҳиятини, руҳий дунёсини инкишоф қилиш билан бирга, жуда катта маърифий куч ҳам касб этади.

Куйкий Бобур Мирзонинг олдига дастлаб кирганда ва унинг «Она юртдан кўп салом келтирдим, юртимизнинг табаррук ёди хотираларидан кўтарилмаган бўлса», - деган сўзига у шундай жавоб беради: «Ул вилоятларнинг латофатларини кинш нечук унутгай? - дейди Бобур оҳиста. Овози титрар эди. -^ Унутган кишининг кўзларига тириклайин тупроқ тулмасми?» Бунд^й /сўзни Ватан соғинчи бир дақиқа ҳам қалбини тарк этмаган ;ки№ВДИ1(^_айта олади. Уларнинг ўзаро суҳбатлари асносида Бйбур ■ Мирзо шоир, давлат арбоби бўлиш билан бирга, зукко тарихчи ва файласуф олим, камтарин инсонлиги буй кўрсатади.

Бобур Мирзо кейинги пайтда тушида куп денгиз куришини, «На денгизнинг поени бор, на йўлимнинг, ваҳм ичра қаро терга ботиб тентиб юрамен...» мунжимлардан сўрасам, «ул канора, иншооллоҳ, саодат соҳили бўлур дейдилар, у қаерда ўзи», - деганда, Куйкий беихтиёр «Саодат соҳили - Ватанда, олампаҳо». - дейди. Бу жавобдан Бобурнинг кўзлари ялт этиб, катта очилиб. кетади, чунки Куйкий унинг дилидагини тилига чиқарган эди. Унинг ички изтиробларининг моҳияти ана шундадир.

қиссанинг яна бир ўрнида Бобур шундай дейди: «Эҳ, салтанат...

Не бўлса Оллоҳдан! Шу Салтанат миннати умр бўйи оёғимга кишан бўлди, муродимга -ғов... Лекин энди бир зўр билан жаҳл қилурмену, бу кишанни тилка-тилка этурмен!» Афсуски, бунга унияг умри имкон бермади. Бу фалсафий ҳақиқатнинг маърифий қиммати катталигига ҳеч ким шубҳа билдирмайди, деб ўйлайми;-

Мазкур адибнинг «Ёзнинг елғиз ёдгори» қиссаси ҳам диққатга сазовор. Унинг қаҳрамони оддий киши колхоз богининг қоровули. Асар драматик дostonдек чуқур эҳтирос ва уйғунлик билан ёзилган. Чунки қиссада «Нега менга фақат ситамни раво кўрдпнг? Ёзуғим не эди, халлоқи олам», дея самога қараб нола қилаётган, бугун умри тоат-ибодатда ўтса-да, кечмиши қора кунларга тўла бўлган одамнинг қалб драмаси, унинг ўз-ўзи кураши ёритилади. Бу пзтиробга тўла. қисматдан хулоса чиқаришда ўқувчига адибнинг ўзи ёрдам беради.

Чунки осмондан келган садо - бу асли адибнинг овози. Адаш Карвоннинг саволига берилган жавоб моҳият эътибори билан муаллифнинг муносабатини ифодалайди. Ёзувчи умри курашлардан четда, мутелик билан

ўтган бу қисматга ўз муносабатини билдиркш учун шундай восита, йўл танланган.

Асар қаҳрамонининг қисмати чигал. Унинг ҳаётидағам-гусса кўп. Лекин ёзувчи бу қайғу,ғам-ташвишларнинг моҳиятини нимада эканлигини асослаб берган Адаш Карвоннинг ҳаддан ташқари художўйлиги, ҳамма нарсани худодан деб билиши - ў.-шни хўрлаган, жабр етказган нопок кимсаларга қарши бормаслиги, мутелигини унинг ҳаётдаги жамики чигалликларнинг асосий сабаб^иси. Асарнинг бутун пафоси, руҳи,ғоявий-бадий мақсади мўминлик, сусткашлик, 'ўз эртасига лоқайд қараш фожйага, ўкинч, изтироб, ар^он.-надоматга олиб келишини кўрсатишга йўналтирилган. қиссада инсон ҳаётда ҳалол, пок бўлиши билан бирга, жамиятдаги ярамас, қаллоб кимсаларга қарши курашиши, адолатга нисбатан лоқайд бўлмаслиги, доим катта мақсадлар сари интилиб яшаши керак, деган гоя ана шу ачинарли қисмат мисолида ифода этилган.

Эркин Аъзамовнинг «Жавоб» қиссасида ҳам инсон маънавияти масаласи ҳаёт ҳодисаларига ўзига хос ёндашиш орқани очиб бериш тенденцияси кўзга ташланади. Унда ҳаётдан ўз ўрнини топиш ве мақсадга эришиш учун курашиш ва интилиш керак деган гоя илгари сурилади. қисса қаҳрамони Элчиев - шаҳар идораларидан бирида иқтисодчи бўлиб ишлайди. У камтар одам. Оиласида, ишхонасида ҳурмат қилишади, ишонишади. Элчиевнинг институтни тугатган қизи ҳарбий хизматдан келиб, олий ўқув юртида ўқиётган ўғли бор. У севиб уйланган, Оиласида ҳеч бир камчилик, етишмовчилик йўқ, Рўзғори оддий. Лекин шу одам бир ҳодиса сабаб бўлиб ўзгариб қолади. Ўзининг жонига қасд қилади. Аммо бу уни безорилар калтаклагани-ю, касалхонада ётиб чиққани ва шундан кейингиғалвали можаролар туфайли эмас, балки ўзининг «туриш-турмушини, атрофидаги одамларнинг унга муносабатини чуқурроқ ўйлаб кўрганидандир. Ўзидан, яшаш тарзидан норозилиги оқибати шундай камсукум, беозор ҳалол одамни ўзгартиради. У ўзига қарши ўзи исён қилади. Ана шу ўзгаришнинг илдизини очиш қиссанинг моҳиятини ташкил қилади. Бу борада ёзувчи шундай ёзади: «Элчиев бу ҳисобда алам-надомат билан шунга амин бўладик, қашшоқ, завқдан бебаҳра яшади. Жўнгина рўзгузорлик! оддий қумурсқача тирикчиликғами! Куним ўтиб турибди-ку, қорним тук, устим бут-ку, деб юраверибди-кўнгил тўқлигини ўйлаб ҳам кўрмабди. ахир одам кун санамоқ ^ун келадими бу дунёга? Эссизх умр! Бундайғарибгинағимирсиб кун кечиргандан кечирмаган афзал!

Яна шунга иқроп бўлдики, ҳаётдан кўрқиб яшабди. . . Аввалига хотинини, топган бахтини ўйлаб кўрқибди, кейин бола-чақасини ўйлаб кўрқибди, каттарок, бир ишга бел боғлагани журъати етмабди, иккиланибди, ҳадиксирабди. Бориға шукур қилиб, қаноат қилиб яшайверибди, интилмабди».

Элчиев ўз~ўзи билан курашлардан, узоқ қийналишларидан сўнг шу фалсафани тушуниб етади.

Маълумки, мустақиллик қўлга киргунча бўлган даврда ёзилган илмий ишлар ва бадий асарларда миллий озодлик курашчилари образлари

одамлар тинчини бузувчи ва халқ хўжалигига жуда катта зарар келтирувчи, хотин-қизларнинг номусини булғовчи, тутган ишининг деярли барчаси ёвузликдан иборат кимсалар қилиб тасвирланган. 80-йилларнинг ўрталарида юзага келган қайта қуриш сиёсати ва СССРнинг парчаланиб кетиши туфайли йиллар давомида халедан сир тутилиб келинган тарихий ҳужжатларни ўрганишга ва ёритишга имкон туғдиради. Оқибатда кўп нарса ойдинлашади. Жумладан, миллий-озодлик ҳаракатининг юзага келиши ва уларнинг аслида кимлиги очиб берилди. Бу наъса асарларда ҳам ўз ифодасини топа бошлади. Ёш ёзувчи Баҳодир Мурод Алининг «Кўктўнликлар» қиссаси шулардан биридир. қисса ҳаётий жараённинг мумкин қадар аслида қандай бўлса, шундай ёритгани ва ёзувчилик маҳорати билан ажраб туради. Хўш, бу нималарда кўринади?

Биринчидан, асарда воқелик эмас, инсон қисмати, тақдири, унинг дард ва алами тасвири етакчилик қилиши; иккинчидан, инсоннинг руҳий олами туйғуси, тортган изтироби, дунёқараши самимийлик ва катта инсоний дард билан инкишоф қилиниши; учинчидан, инсонгасинфий ёйдошишдан ҳоли инсон сифатида қараши иа бор нуқсон ҳамда фазиялатлари ила тасвирланиши; тўртинчидан, касала моҳияти тарихий нуқтаи назардан тўғри ёритилишида куринадк.

қисса воқеалари учта етакчи қаҳрамон фаоляти, қисмати асосига қурилган. Булар миллий-озодлик курашчиларининг раҳбарлари - Асқаралибек, Шомирзабек ва қизиллар йўлини тутган мулла Жалолиддин. Бу уч образ фаоляти ва улар билан боғлиқ бўлган шахслар хатти-ҳаракати уч оламни¹ ташкил ҳилади. Лекин шунга қарамай бу оламлар яхлитликка эга.

қисса воқеаси Асқаралибекни хиёнат туфайли қўлга олиниб, тўлага ташланганидан бошланади. Асар сюжети эса Асқаралибек хотираси асосига қурилган, Хотира қуруқ баён қилкнмайди, балки тасвирланади. Тасвир воқеалари эса Асқаралибекнинг руҳий дунёсини инкишоф қилишга, қисмати ва фожиасининг моҳиятини очишга йўналтирилган. Оқибатда сюжет ривожига Асқаралибек киши кўз олдида улуғлашиб боради. Чунки унинг ўз хатти-ҳаракати ва ҳаётий ҳодисалар ҳамда жараёндан чиқарган хулосалари катта фалсафий умумлашмага эга бўлиб, ватан тақдири ва миллий қадриятлар моҳиятини англашга имкон беради.

Маълумки, фосиқлар дунёси ва мунҳатлик (тубанлик)нинг асоси иймонсизликдир, Биз кечаги 70 йиллик ҳаётимизгп назар солар эканмиз, бунинг ҳақиқатлигини чуқур англаймиз. Чунки социалистик жамият деб аталган тузумда кишини иймонли қиладиган қадриятларга - динига, азалий урф-одатларига, миллий руҳиятга ҳужум қилинган эди. Оқибатда одамлар бўғизигачз иймонсизлик ботқогага ботди, айникса, кейинги 30 йид ичидаги авлод. Лекин ҳар қандай адолатсизлик, диёнатсизлик жамиятида ҳам гўзал хилқатлар, инсонийлик йўқолмайди. Шундайларнинг шарафига эзгулик ҳамйгаағолибдир. Ёш ёзувчи Жамила Эргашеванинг «Зубайда» номли қиссаси худди шу, яъни қалбади огрикқа багишланганлиги билан муҳимдир.

қисса янги тамойил йўналишида ёзилган. Унда тсталитар тузум пайтида чоп этилган кўпчилик асарлардаги каби қаҳр>амонлари ўша даврнинг етакчи мафкураси измида ҳаракат қилмайди, уларнинг барча фаолиятлари - туйғулари, ҳиссиётлари, ўй-фикрлари, орзу-умидлари, янгилишлари, хатти-ҳаракатлари ўта табиий, жонли. ҳаётийдир. Шунингдек, уйда воқелик эмас, инсоннинг қисмати, фожиаси, дардлари, фосиқлар туфайли юзага келган калб оғриқлари - сувайдо етакчилик қилади. Бу ҳол сўзсиз асарга маҳзунлик касб этган. Мазкур маҳзунлик қиссани ўқиш давомида китобхон қалбига ҳам кўчади. Оғриқ пайдо қилади.

қисса воқеалари эзгулик ва фосиқ^шк дунесининг инкишофи асосига қурилган. Эзгулик оламини Зубайда, қурбонгуллар ташкил қилса, фосиқлик, мунҳатлик дунёси Нормурод, Ҳикматулло, Матлаблар фаолиятида ўз ифодасини топади.

Уташбек ҳаётлигида олам Зубайда кўзигағоят гўзал, одамларнинг барчаси маъсум кўринарди. Фосиқлик дунёсига дуч -келмаганидан бутун оламни эзгулик чулғаган деб биларди. Чунки унинг ўай'ва эри Ёлташбек покдимон хилқатлар эди. Лекин ҳаёт Зубайда ўйлаганича эмас, айниқса 70 йиллик замон ҳазрат Навоий айтганидек, «Ёмонга гул берди, яхшига деб хор,. . . ёмонга бахт берди, яхшини бадбахт» эди. қиссада худди шу ҳақиқат Зубайда ва қурбонгул қисматида ўз ифодасини топади.

Зубайда эри вафотига уч ой бўлганда фосиқлик дунёсига дуч келди. «Бир куни кечаси нафаси қайтиб уйғониб кетди, аммо елкаларидан босиб турган икки қул ўрнидан туришга қўймасди: -Янга жим! Болалар уйғониб кетади. - Кормурод?! Сиз. - Ҳа, мен. Менман янга, кўркманг, - у хансираб >'моққа уринарди.Зубайданинг нафаси қайтиб кетди. - Аҳмоқ, иц.~с! - катта-катта давраларда соврин олиб юрган полвонни етқаслдан ошириб ташлашга зўр бериб уринар эди. - Виждосиз! Ҳали ^кангнинг тупроғи совумасдан туриб. . ,»

Зубайда унинг бу ифлослигини ичига ютди. Эрига 1Сўп яхшиликлар қилган қайнағаси Бектош акадан андиша қилди.

Маълумки, инсон мураккаб хилқатдир, айниқса фосиқ ва м^хатлар. Уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатиғаразли мақсад сари йўналтирилади. Улар инсон руҳиятини англашда ҳам анча билимдон шахс ҳисобланади. Бирлари (Нормуродч сингари) инсон туйғуларини жумбушга келтириб, ирода букиш ҳисобига ўз мақсадига эришса, ўзгаларни эса ўта зиёли, ақлли, хоксор кўринишга интилиб, ўзлари хусусидаги яхши фикрларниғоят секинлик билан уйғотиб бориб, мақсадга эришади. Бу қабила гоятда хавфли шахслардир. Чунки бундайлар кишининг ҳам жисмига, ҳам мулкига чанг солишади. Жамила Эргашеванинг инсонларнинг бу хусусиятини сўзда эмас, хап-и-ҳаракати, фаолияти тасвирида очиб бериши кишини хурсанд қилади. Бу хусусият Ҳикматулло образида ўз ифодасини яхши топган.

Ҳикматулло'Хубайдага ҳақиқий ошиқ, унинг шикаста кўнглига малҳам бўлишга ишонтиришга интилганда катта мақсадни кўзда тугганди. Яъни Ўташбекдан қолган ҳовлини соттириб, машинага эга бўлиш ва таралабедод қилиб юришни. Зубайда эса унинг илтижо ва ваъдаларини кескин рад

этолмади. Нормурод билан бўлган воқеадан кейин рад ҳам этолмасди. Кўп ўтмасдан Ҳикматулло масалани кўндаланг қўяди. Айниқса, Зубайда «қизингиз теккан жувормагнинг катта хотини ўз оғзи билан айтибди. У жувормаг, онасига «Нози кўп экан, машина олиб олай, жавобини бериб юбораман» деган ҳақиқатни Бектош аканинг қизи орқали эшитгач, тақдиридан фиғон чекди. Бу фиғон фақат Зубайданинг фиғони эмас, эзгулик оламининг фиғонидир.

Ўзбек саргузашт қиссаларидан бириўлмас Умарбековнинг «Ёз ём³/ири» қиссаси сюжети бир қотиллик изларини аниқлаш тасвири асосида қурилган. Унда воқеалар Мунисанинг ўлдириб кетилиши тасвиридан бошланиб, қотилликнинг вош этилиши билан тугайди. Асар сюжети қиз³/ин. Ёзувчи икки йўналиш воқеаларини – тергов ходимлари тезкор ҳаракати ва қотилликнинг изланишида ёрдам берувчи муҳит ҳаётини навбатма-навбат тасвирлаш йўлидан боради. Қаҳрамонлари ҳам икки тоифадир. Мунисанинг эри Раҳим Саидовнинг ўй хотира фазилатлари анча теран талқин этилади. Милиция капитани Собир Алиев, лейтенант Султонов каби қонун ҳимоячиларининг тезкор ҳаракатлари батафсил чизилади. Асар саргузашт адабиётининг умумий анъанавий хусусиятлари ўзида тўла мужассам этган, саргузашт руҳи асарнинг бошидан охиригача бадиий тўқимани забт этган. Қаҳрамонлар руҳияти кўпинча суҳбатларга, ҳаракатларнинг ўзига сингдирилган. Бу ҳол асарни миллийликдан узоқлаштирмайди. Айниқса, Раҳим Саидов ва Собир Алиевлар ўй – мушоҳадалари, оилавий муаммолари, орзу-интилишлари билан миллий муҳит хосликларини ифода этади.

ўлмас Умарбеков қиссасида саргузашт адабиётнинг энг асосий хосликлари санъаткорона юзага чиқди. Ёзувчи реалистик тасвир йўриқларига амал қилади. Жиноят қидирувчиларининг фактлар таҳлилидаги зийракликларини ва касбкорларининг машаққатли томонларини ҳам очишга интилади. Яна Саид Равшаннинг «Чордоқдан отилган ўқ» (1980) қиссаси жиноят қидирув ходимларининг саргузаштга бой, лекин ҳавф-хатарга тўла фаолиятларини тасвирлашга қаратилади. Омон Мухторнинг «Мўъжиза», Файзулла Қиличевнинг «Занжир», Ботир Носировнинг «Олтин қаср вожеаси» қиссаларида ҳам ана шу умумий хосликлар яққол кўзга ташланади. Албатта, булар ва яна талай шу каби асарларнинг ³/4оявий бадиий савиялари бир хил эмас. Шунингдек бу қиссаларни ў.Умарбековнинг «Ёз ём³/ири» қиссасига ва, айниқса унинг сўнгги асари «Фотима ва Зухра» саргузашт романига тенглаштириб бўлмайди. Ёзувчи қиссаларидаги вожеавийликни инсон маънавиятининг манзара- моҳиятини чуқурлаштириб очиб беришда катта маҳорат кўзга ташланади.

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ:

1. Миллий қадриятларнинг тикланишида қандай омиллар рол ўйнади?

- 2.Инсон қайси ижодкорларнинг комиллигининг юксалишида асарлари муҳим кейин бу истиқлолдан Истиқлолдан образлари рол ўйнапти ва нимага?
- 3.Миллий озодлик курашчилари аввалги адабиётларда қандай ёритилган? орада қандай асарлар яратилди ва қандай баҳо берилди?
- 4.Бугунги кун қиссаларида қандай мавзу етакчилик қилляпти?
- 5.Бугунги кун қиссаларининг ўзига хослиги нимада?

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

1-Миллий хусусият ифодаси - бирор миллатнинг, халқнинг ўзига хос хусусиятларини - руҳияти, урф-одати, анъаналари, тили, диний эътиқоди, ахлоқини бузмасдан, ҳаққоний ёритилиши.

2-Эпизод - нисбий -мустақилликка эга бўлган асар воқеаси бадиий асарнинг бўлинмайдиган энг кичик қисми; асар сюжетининг узвий халқаси, асосий таркибий қисми; бадиий асардаги ёрдамчи сюжет чизиғида учрайдиған характерларнинг айрим қирраларини ёритишга хизмат қиладиган қисм.

5-МАВЗУ; БУГУНГИ ЎЗБЕК РОМАНИДА ДАЗР, ТАРИХ. ЗАМОН МАСАЛАСИ

РЕЖА:

1. Романнинг жамият маънавий тараққиётида, инсон камолотида тутган ўрни, Аналитик қаҳрамонга эга бўлган романлар.
2. Тарихий ва ижтимоий воқелик узининг ҳақиқий ифодасини топган романлар.
3. Тоталитар тузум иллатлари туб моҳияти очиб берилган романлар.
4. Роман жанридаги изланишлар: модернистик йўналишдаги романларнинг юзага келиши.

АДАБИЁТЛАР:

1. Адабий турлар ва жанрлар. Т., «Фан», 1991.
2. Ҳ.Каримов. Инсон ва давр. Т., «Фан», 1992.
3. А.Каттабеков. Тарих сабоқлари. Т., 1985.
4. И.Мирзаев. Насримиз бадиий олами. Т., 1991.
5. У.Норматов. Романнинг янги йуллари. «Ёзувчи» газетаси, 1997 й 4 июн.

Сиртдан қараганда ҳозирги давр адабиёти экспериментал адабиётдек таассурот қолдиради. Ҳақиқатан ҳам кейинги йиллар ячша шундай асарлар (Омон Мухторнинг «Кўзгу олдидаги одам», «Тепаликдаги хароба», «Ффу» романлари, Шоим Бўтаевнинг «К^уюлишдаги уй» қиссаси ва б.) вужудга келдики, уларнинг заирида ётган адиблар ниятини махсус тайёргарликсиз англаш Кяйин. Чунки анъанавий услубда эмас, ғарбнинг модернистик абиёт деб аталмиш йуналишида ёзишган. Маълумки, бу тарздаги ,абиётда объектив олам, воқелик, инсон, унинг хатти-ҳаракати, у ^шаган ёки яшаётган жамият муҳити, мафкураси ёзувчининг тасвир бъекти бўлмай, балки инсоннинг уларга муносабати, тўғрироғи, /Унинг тафаккур йуналиши асосий объект саналади. Китобхон бевосита қаҳрамон билан эмас, унинг тафаккури билан муносабатга киришади, қаҳрамон эса ёзувчи томонидан яратилган инсон эмас, табиий ҳаракати, шуури ила1 гўё ўзини-ўзи яратган (албатта, шартли равишда), ёзувчини ўз онг оқими йўналишига соладиган интеллектуал шахсдир. Лекин адабиётшунослик илмидан маълумки, инсонни бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга соладиган, эзғуликка ундайдиган, комил инеонга айлантирадиган нарсаси шакл, катта фалсафий тафаккур эмас, шу тафаккурнинг асос-заминида ётган моҳиятдир. Агар биз ҳозирги романларга шу моҳият нуқтаи назари бнлан ендашсак, улар шаклан янги бўлгани билан мазмунан асл ўзбек адабиёти анъана'ларини эслатади.

Биз адабиётда инсоннинг бахти ва бахтсизлиги, бошига тушган кулфат ва фожиасига жамият айбдор деб шарҳлашга ўрганиб қолганмиз. Лекин жамият абстракт . нарсаси эканлигини, у инсон фаолияти орқали реаликка айланишини, саъй-ҳаракати туфайли юзага келишини, инсон манфаатлари

учун ижобий ёки салбий роль ўйнанган уни бошқарувчи инсонга боғлиқлигини уйлаб кўрмаймиз. Ҳатто мумтоз адабиётдаги ' адолатли шоҳ образи талқинига дунёқарашнинг чекланганлиги деб унга қарши чиққанмиз. Антик дунё адабиётининг тамал тошини қўйган Эсхил, Эврипид, Софоклларнинг тақдири азалликғоясига ҳам қарши чиқиб, уни инкор қилганмиз. Лекин ботинан ҳамиша бир нарсага тан бериб келганмиз ва ҳис қилганмиз. Яъни инсон тийнатидаги инсоний хусусиятлар - ҳаллоллик, диёнатлилик, иймонлик унинг тақдирида катта ижобий роль ўйнашини. Маълумки, бу ижтимоий масала ислом дини таъсиридаги адабиётнинг бош масаласи ҳисобланган. Бутунги кунда буни ҳақиқат эканлигини очиқчасига тан ола бошладик. «Ффу» романи асосида худди шу масала ётади. Адиб кечаги ўзи яшаган ҳаётга ва унинг ҳосиласига Шарқ фалсафаси нуқтаи назаридан ёндашиб, ўз қарашларини асослайди. Бу борада ўзининг ҳаётини бош қаҳрамони Мулла Тошпўлат ва унинг оиласи фаолияти тасвирида ишонттиради.

, Маълумки, инсоннинг барча ҳаракати ҳам фаолият бўлмадди. Маълум бир инсоний эҳтиёж,; мақсад сари қаратилган ҳаракатгина фаолият саналади. Шойим Бўтаевнинг «қўрғонланган ой» романидаги образларнинг барча хатти-ҳаракати фаолиятдир. Чунки улар ёзувчи мақсадига бўйсундирилган, Сиртдан қараганда қаҳрамонларнинг фаолияти билан боғлиқ воқеалар бир-бирига узвий боғламагандек туюлади. Шундан романни композицион арқоқ деб хулоса чиқар:уш мумкии, айрим адабиётшунослар. Лекин ундай эмас. Воқеалар ёзувчининг илгари сурган концепцияси - тафаккур йўналиши орқали узвий боғланади. Демак, мазкур роман ҳам янги йўналишда ёу Яъни тоталитар тузум пайтида ёзилган асарлар каби қаҳрамон фаолияти ҳукмрон мафкурага бўйсундирилмаган, нутқ ироу этирилмаган. Улар эркин ҳаракат қилишади, ўзи яшаган муҳт шароит, замоннинг хусусиятларини руҳиятларида мужассам этишади. Шундан улар фаолияти замирида етган ёзувчи концепциясини илғаб олиш кийин. Унинг учун фикрлаш даркор, Демак, тюман воқеалари . тафаккур элагидан ўтказилсагина адиб ниятй англашилади. Англаи эса. маънавият сари қўйилган қадамдир. Чунки юқорида айтганимиздек, тафаккурсиз маънавият юзага келмайди. Демак, асар инсонни комилликка ундайди, унинг аҳамияти ҳам ш/ндадир.

Роман икки фаслдан иборат. Биринчи қисм :<Аввалги фасл>, иккинчиси эса «Сўнгги фасл» деб номланади. Шойим Бўтаев бежизга романини шундай фаслга бўлмаган. У биринчи фаслда оталар ҳаёти, турмуш тарзи, руҳияти билан кишини ошно қилса, иккинчи фаслда кечаги жамият тили билан айтганда, келажак авлод - ёшлар ҳаёти қаламга олинган.

«Аввалги фасл»да фаолият кўрсатган қаҳрамонлар - Убайдулла чавандоз, Зокир булбул, Тиркаш бобо, Рашид боболс р табиатга жуда яқин кишилар. Улар Ўртақайнар қишлоғи, унинг Рангон тоғининг ҳар бир гиёҳини, ҳайвонот оламини беҳад севадилар за ардоқлашади. Улар табиат билан инсон қисмати қуринмас рншталар орқали боғланганлигини ҳис қилишади, абадий қобилиятларига бўйсунушади. Убайдулла чавандоз

Рангон тоғларига оқ букан (сайғоқ) яна қайтиб келганини қишлоқ одамларига айтганда барча севинади. Чунки бу жониворлар бу ерни тарк этганига кўп йиллар бўлган эди. Уларсиз тоғлар ҳам бир гариб, рангсиз ҳолга тушиб қолганди. Оқ бўканлар билан эзгулик қайтиб келди. Чунки ула^! шафқатскзлкк туфайли ўз маконларини тарк этганди.

Ҳақиқатни идрок этишнинг уч хил йўли бор. Яъни нисбий, мутлоқ ва илоҳий билиш. Ҳақиқатнинг қайси гурини англаш кишининг тарбияси, билими ва тафаккурини қай даражалигига боғлиқ. Тоталитар тузум даврида фақат нисбий ҳақиқат, яъни коммунистик партиянинг «рости» англанди. Мутлоқ ҳақиқатни -давр, замон яратган ахлоқий қийматнинг туб моҳиятца шуури етган киши таъқиб қилинди. Илоҳий ҳақиқат - яратганни Зилишга мутлоқ қуйилмади. Нисбий ҳақиқатни англаган, уни ўзлаидтирганларнинг йўлига эса шайтон аралашган. Бу йўл уларни борса келмас сари бошлади. Чунки шайтоннинг иши жаҳаннам қаркга бошлашдир. Лекин ҳаётда илоҳий ҳақиқатни англаганлар бор э(1,и. Романда бу каби ҳилқатлар Убайдулла чавондоз, Зокир Булбул, Тиркаш бобор, Рашид боболар тилида ўз ифодасини топган.

Машҳур Колумбия ёзувчиси Габриель Гарсия Маркес «Шуни билингки, табиатнинг мувозанати бузилса, унда яшовчи инсон ҳам уз циёфасини йўқотиб қўяди» деган эди. Романда бу фикрнинг ҳақиқат эканлиги Муртазо фаолияти орқали асосланган ва киши шуурига сингдирилган. У Ўрозмат ака билан Фотима аянинг ёлғиз фарзанди. Уйдаги иноқлик, ота-онанинг бир-бирига бўлган меҳри уни шафқатли, андишали, одамларга, табиатга ўта» меҳрли, шафқатсизликдан нафратланадиган қилиб тарбиялади. 'Ҳатто кап-катта булганда ҳам, ' қўшниси Исмат жўжаҳўроз сўйганда, «Амакижон, товукни қуйиб юборинг!» - деб ялинган.

Хулоса қилиб айтганда, роман инсон қалбида она табиатга нисбатан меҳр уйғотади, унга руҳан яқинлаштиради, қаҳрамонлари қисматида инсониятни ислом ва эътиқодга даъват этади, инсон аслида табиат фарзанди эканлигидан огоҳ қилади, инсон ва табиат муаммосининг янги қирраларини очиб беради. Муҳими, ёзувчи янгича мазмунга янгича шаклни уйғунлаштира олган.

Дббос Саиднинг «Беш кунлик дунё» романида масала эмас, одамлар, тасвирланади, уларнинг ташвиши, қисмати, тақдири, фожиаси қаламга олинади, зоҳирий дунёси дунёси ва ботиний олами очиб бер;йлади. Бизнингча, бу энг муҳим масаладир. Ахир жамики катта нарсалар, забт этиш йўлидаги саъй-ҳаракат ва интилишлардан мақсад одамни одам бўлиши, одамларпча яшаши эмасми? Албатта шундай. Демак, охир-оқибат жамики уринишлар инсон масаласига бориб тақалади. Романга Рауф Парфининг шеърдан «Банданга гў-зим бер, ер бер, имон бер» парчаси эпиграф қилиб олинган. Бу, ўз навбатида, ёзувчининг концепциясини, романнинг мотивини белгилайди,

Роман сюжети чизигини бош қаҳрамон Анвар фаолияти билан боғлиқ бўлган воқеалар ташкил қилади. Мазкур воқеалар орқали турфа одамлар ва уларнинг тақдирлари, Анварнинг оиласи ҳаёти тасвирида эса оддий ўзбек

оиласининг турмуш тарзи ўз ифодасини топган. Мазкур оила аъзолари ва улар билан муносабатда бўлган кишилар хатти-ҳаракати воситасида эса жамият ва инсоний иллатлар очиб берилган.

Анварнинг касби журналист. Ўн йилдан бери республиканинг нуфузли газеталарининг бирида ишлайди. Лекин тўғри сўзлиги, софлиги, ҳар бир нарсага адолат билан ёндашишга уриниши баъзи бир ҳамкасбларига ёқмайди. Айниқса, ' Миркарим Пирриев, Садриддин қурбонкулов, Тухфа, бош муҳаррир Шариф Юнусовга. Буларнинг энг пасткаши Пирриев. Унинг қандай шахс эканлиги Анвар билан истеъдодли ёзувчи, лекин ҳаётга очик кўз ила қарагани т>'файли жамиятда ўз ўрнини топа олмаган Ҳаким Мансур ўртасида кечган суҳбатда ойдинлашади: «Ишдан бўшаб кетишимга шу Пирриев сабаб бўлди. Алдам-қалдам ишлар билан шугулланишаётганини бетига айтсам, дарров қвраб етказибди-да. ахам!

-Гапирманг, у билан бирга ўқиганман. Унинг қандай инсон экаяини беш кўлдай биламан, - асабий тарзда столни чертишни қўймасди Ҳаким Мансур.

~Ўз манфаати йўлида отасидан ҳам кечвораднган кимса. Мек сизга бир воқеани айтиб берайин», Бу воқеадан шу нарса маълум бўлдики, у ижарага уй ахтариб, кўчама-кўча изғиб юрганда, Ҳаким Мансур ўз ижара уйига олиб келади. Уй соҳибасипинг эри кесилиб кетган, эри ҳам, ўзи ҳам яхши одамлар бўлган. Пирриев бир кун ичиб келиб ана шу аёлга ташланади. бу қилмиши учун Ҳаким Мансур> урганда, унинг бир бармоғини тишлаб олади. Мана шундай кимса газетада коммунистик ахлоқ бўлимини бошқаради. Бу жамиятнинг маънавий дунёсининг таназзулидан далолатдир.

Бош муҳаррир Шариф Юнусов эса уйда узатиладиган қизи бўлишига қарамай, ўз ходимаси Тухфа билан дон олишади. Уларга Садриддин ўз уйини бўшатиб беради. Пирриев қабила эса унинг кўз-қулоғи. Бу ҳолни Анвар кўриб қолганда, менинг тўғримда бўлмагур игво тарқатибди, деб ўз қилмишининг олдини ола бошлайди. Унинг хотини Барноҳон Анварнинг аяси Собира ая тикнан қўйлагига пул олмани учун бу сафар ҳам боришни иштайди. Анвар бир нарсага ҳайрон. Ўзларини ниҳоятда олижаноб, ҳалол кўрсатиб юрадиганларнинг аксарияти фосиқ шахслар. Лекин шундайларнинг ошиғи олчи. Амал курси ҳам ўшаларники. Ҳаким Мансур,' Анварга ўхшаган халқ манфаатини, Ватан тақдирини кузлаб иш тутадиган соф, ҳало кишилар эса бундайларга тобе. Анвар ҳайрон бўлгандек, китобхон ҳам унинг моҳиятини англаб оли/лга қийналади. Мулоҳазага берилади. Фикрлаш борасида бу нарса ойдинлашади. Кечаги жамиятимиз фосиқлар маконига айланган жамият экан.

Пиримқул қодировнинг «Она лочин видоси» романи киши маънавий оламини бойитиш орқали ўз ҳаёт йўлини тўғри белгилашга имкон тугдиради, Бу нарса эса, -ўз навбатида, жамиятнинг инсонийлашувига, демократиянинг янада кучайишига асос ҳам бўлади. Чунки халқ комил бўлган жамиятдагина здолат ва инсон манфаатларига йўналтирилган қонун

хукм суради, Демак, роман инсон камолотига хизмат қилади. Хўш! Асарнинг бундай ижобий таъсир кучи нималарда кўринади?

Биринчидан, тарихий воқелик инсон фаолияти, қисматидан айри ҳолда эмас, балки чамбарчас, боғлиқ ҳолда тасвирланганлигида. Иккинчидан, инсон изтиробларига сабабчи бўлган вазиятнинг келиб чиқиш сабабини таҳлил қилиш борасида бизга таниш бўлган сиймоларнинг - Шохрух Мирзо, Гавҳаршодбегим, Улуғбек, Хус?анн Бойқаро, Алишер Навоий, Абулқосим Бобур, Абусаид Мирзо, Ёдгор Мирзо, Алоуддавла, Абдулатиф ва бошқа қатор тарихий шахсларнинг қандай инсонлар эканлиги инкишоф қилинганлигида ва уларга нисбатан аввалги мафкуравий қарашларга аниқ, лйк кмритиб, олдиши тасаввурларни тўзғитиб юборганида. Учинчидан, инсоний изтиробга дучор қилган воқеалар моҳиятини очиб бериш борасида шахснинг ботиний дунёсини кўрсатишда. Тўртинчидан, энг муҳими, одамийлик, маънавиятнинг замини, илдизи илмда эканлигини ҳаётӣ шахслар тимсолида ўз исботини топганлигида. Асарнинг бу фазилатларини китобхон воқеалар оламида англаб олади. Бунга у мушоҳада қилиш орқали эришади. Чунки ёзувчи тарихий воқеликка бўлган ўз нуқтаи - назарини оғзаки баён қилмаган, романнинг сюжет чизиги замирига сингдирган. Асар воқеаларини шу тарзда куриш ёзувчи маҳоратидан далолатдир.

Маълумки, темурийзодаларнинг кўпчилиги жўмард шахслар бўлиб етишган. Бунда Бибиҳонимнинг хизмати катталиги тарихдан маълум. Лекин бундай хизматни Сароймулкхонимдан сўнг Гавҳаршод бегим зиммасига тушганлигини жамоатчилик билмасди. қайтага бу ўринда нохуш фикрлар юрарди. Бадиий асарлардаги талқинларни ўқиган китобхон наҳотки Шохрух Мирзодек шахснинг завжаси, Улуғбекдек алломанинг онаси шундай деб ҳайрон бўларди. Пиримқул қодиров мазкур асари билан олдинги шубҳаларни тарқатиб юборади. Зукколикнинг белгиси билимдон, зехни ўткирлик билангина белгиланмайди, балки фикр нури билан инсон тийнати орқали унинг ниятини ўкиб олиш, юз бериши мумкин бўлган воқеани олдиндан и1 англаб отшш ила намоён бўлади. Бу хусусият Бибиҳонимда борлигани билардик, мазкур асар орқали Гавҳаршод бегим ҳам шундай хусусиятга эга аёл бўлганлигини биламиз.

Маълумки, инсон ўз даври одамларидан андоза олади, ўз навбатида, улардан ўз қиёфасини қидиради, худди шунинг оқибатида ўзини янада яхшироқ англашга интилади. Бунга бадиий ижод, яъни ҳаётни ' кенгрок эпик кўламда ичдан тасвирлаш хусусиятига эга бўлган романлар имкон беради. Кейинги йилларда юзага келган романларда шундай ҳол кўриняпти. Уларда воқеалар бевосита тасвирланмасдан, шахс тафаккури призмасидан ўтиш орқали ва ўй-хаёллар, тасаввурлар - онг оқими орқали фикр моҳиятӣ иддизи сари йўналтириляпти. Бутунги романларнинг янги тамойиллари худди ана шундадир. Хуршид Дўстмухаммаднинг «Бозор» романида бозор тимсоли инсон ҳаётининг рамзи сифатида номоён бўлади . Ёзувчи ўзига хос маҳорат Билан ҳаёт ҳақидаги фалсафий қарашларини чиройли бадиий тимсоллар пардасига ўраган ҳолда тасвирлашга интилган.

Ромфннинг асоай қахрамони идиал шахс. У ичмайди, чекмайди, фахш ишларга қўл урмайди. Асар бошидан охиригача Фозилбекнинг уйланиши Билан боғлиқ муаммоларга алоқадор воқеалар тавсилотидан иборат. Ёзувчининг мақсади эса икки киши жисмидаги руҳни бирлаштиришдир Ёзувчи Фозилбекни фозиллик, донолик ва зукколикнинг тимсоли қилиб яратар экан, унинг жуфти ҳалолини марифат ва қадиратнинг, инсон кадр қимматининг бадий тимсоли сифатида гавдвлвнтиради .Романда Фозилбек ва қадриянинг оила қуриши рамзий маънода ҳаётдаги адолат, инсоф ҳалоллик. Марифат каби фазилатларнинг, эзгу туйғуларнинг умри боқийлигига ишорадур. Ҳаётини ҳақиқатни қисқа тасвирлврда берв олганлиги адибнинг бадий тафаккур кулами кенглигидан далолат беради

Роман бошидан охиригача бозор, яни ҳаёт ва инсон тақдирини кузатиш асносида тасвирлвр Билан йўғрилган бўлиб, унда руҳий туйғулар тасвири бир меёрда чизилган ва адиб бадий нияти ўз ечимини топган.

ТЕКШИРУВ САВОЛЛАРИ:

1. Роман жанрида насримизнинг қандай изланишлари ўз ифодасини топяпти?
2. Бугунги кун романининг янги тамойили нимадан иборат?
3. Модернистик йўналишдаги романлар қандай хусусиятга эга?
4. Кейинги йилларда қандай тарихий шахслар образи яратилган романлар юзага келди ва уларнинг бадий хусусиятлари нимада?

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

1. Аналитик образ - ўзининг ҳар бир ҳаракатини, фаолиятини, тутган ишини таҳлил қиладиган, ўз камчилигини ўзи англайдиган ва тўғирлай оладиган ақл-идрокли, мулоҳазали шахс образи.

2. Инсон концепцияси - шахснинг ҳар бир воқеа-ҳодисага, муҳит ва шароитга ўзига хос мустақил ендашиши, фикрлаши, қараши.

6-МАВЗУ: ЎЗБЕК ФАНТАСТИКАСИ ТАРИХИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

РЕЖА:

1. Ўзбек фантастикасининг тарихи, фантастиканинг турлари.
2. Бугунги ўзбек адабиётида фантастик ҳикоячилик соҳасидаги изланишлар.
3. Фантастик қиссаларда ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ ҳолда генетик масалалар хусусида фикр юритилиши.
4. Фантастика ва сиёсат.
5. Ҳозирги ўзбек фантастикасида ғоявий-бадиий изланишлар.
6. Фантастика ва миллийлик.
7. Реализм ва фантастика.

АДАБИЁТ:

1. Р.М.Иброҳимова. Фантастика ва ҳаёт. Т., 1998.
2. Р.М.Иброҳимова. Жанр фантастика в узбекской советской литературѣ. Т., 1987.
3. П.Шермухамедов. Давр қаҳрамон тақдирида. Т., 1976.
4. /айрат Жалолов. Ўзбек фольклорида жанрлараро муносабат Т., 1976.
5. Ҳозирги адабий жараённинг актуал проблемалари. Т., 1984. б. Мирзаев И. Насримиз бадиий олами. Т., 1991.

Ўзбек фантастикасининг тарихи халқ оғзаки ижодида бори^а тақаладн. Ўтган воқеалар ҳақида ҳикоя қилувчи оғзаки ҳикоя в; қиссалар ҳаёлий уйдирмалар асосида вужудга келади. Инсоният уча^а гилам, учар от, очил дастурхон, хизр суви орзу қилиш орқади ў истакларини баён қилиб, бахтли ҳаёт ҳақида ўйлашган Фантастиканинг тури кўп. Масалан илмий фантастика, саргузаиш фантастика, нариги дунё хусусидаги ва бошқалар. Кейинги йиллард^а илмий фантастика кучайди. Бу ҳол илмий техниканинг ривожини била) боғлиқдир. Ҳозирги замон адабиётида Тоҳир Малик, Хожиакба; Шайхов, Маҳкам Маҳмудов, Абдор қосимов, Бахтиёр Ҳошимхўжаер. Мурод Хидир каби фантаст ёзувчилар самарали ижод этмоқдалар.

Маълумки, ҳозирги илмий фантастика асосан тўрт йўналишд-тараққий этмоқда, Биринчисида ижтимоий дунёқараш билан боғли бўлган генетик шакл етакчилик қилса, иккинчисида ёш авло, тасаввурига таъсир ўтказиш кўзда тутилади. Учинчи йўналиш учу сирли ва қизиқарли сюжет муҳимрок; бўлса, тўртинчи тур асарла негизида салмоқли фантастик фикр ётади.

Ҳозирги ўзбек фантастларининг қизиқарли, ғайриоддий сюже ва фантастик образ яратиш соҳасидаги тажрибалари маълум самаралар бераётир. Тоҳир Малик ва Б.Ҳошимхўжаевнинг «Заҳарл губор» қисеаси шу жиҳатдан диққатни жалб этади.

қисса қаҳрамони - Чарльз Лонг фавкулудда истеъдодли бўлиб, ўн ёшида коллежни битирган. Лондон ва /арвард университетларида таҳсил олиб, турли фанлар бўйича олимлик даражасига етган. Йигирма ёшида Галвестон университетида назарий физикадан дарс берган. Бироқ тез орада университетни ташлаб, уйида, ер остида қурган лабораториясида илмий иш олиб боради. Тўрт йил мобайнида илм-фандаги «марра»ларни босиб ўтади. Унинг учун олисдаги кишининг фикрини ўқиш, ўзи ясаган темир панжалар маҳкамасидаги ҳужжатларни қўлга тушириш, ҳатто Саҳрои Кабирдаги қумбарханларини кўчириш ҳеч гап эмас.

Лонг қудратли кучга эга бўлган анализатор ясаб, уни ўз миясига улайди. Шунинг учун ҳам у мия фаолиятдан тўла-тўқис фойдаланадиган ягона инсон эди. Унинг миясига келган ҳар бир фикр махсус узатгич орқали анализаторга ўгар, анализатор эса бу фикрларни ажратар, саралар, уларнинг реаллашига ёрдам берар эди. Нодир илмий истеъдод ва унинг самаралари Лонгга тинчлик бермайди. У ўзини буюк қудрат соҳиби деб эълон қилади ва бутун коинотга ҳукмронлик қилмоқчи бўлади. У ўз эркига қарши чиққан кишиларни, халқларни, ҳатто бутун ер юзини яксон қилиб ташлаш ниятидан ҳам қайтмайди, Хуллас, фан ютуқларининг жиноий ишларда асқотиш мумкинлиги масалася бу асарнинг гоёвий мундарижасини белгилайди. . .

Лонг ўзининг жиноий ишини амалга ошириш учун маслакдош о.шмлар ва ҳатто жиноятчилардан ердам кутади. У номи полиция маҳкамасидаги рўйхатда бўлган Том Жонсонни муттаҳамлар сайёрасига, тиббиёт ва табобат соҳасида соҳасида катта иш қилаётган Шарль Гомескунни эса Фарғонага юборади.

Муттаҳамлар сайерасида Ердан бадарға этилган галвестонликлар, Фарғонада эса инсон умрини узайтириш масалалари билан шуғулланаётган олим Исмоил Умидов истиқомат қиларди.

Умидов гарчанд умрини узайтириш муаммоси билан шуғулланса-да, у нейрофизиология, биофизика каби фаннинг кўпгина соҳалари бўйича таниқли аллома ва фазогир ҳам эди. Шунинг учун ҳам БМТ ҳузурида қудрат соҳибига қарши кураш комитети тузилганда, СССР Фанлар Академияси бу комитетга унинг номзодини тавсия этади.

Ана шу тарзда қиссада бир-бирига зид қутблар пайдо бўлади. Гарчанд уларнинг ҳар бири истеъдодли олим бўлсаларда, улар ўз мақсад ва инсоний фазилатларига кўра, бир-бирларининг антиподлари эдилар. Чарльз Лонг назарида фан инсониятни бўйсундириш қуроли бўлса, Умидов халққа хизмат қилиш, нурли келажакка эришиш, хусусан инсон умрини узайтириш воситаси эди.

Фантастлар олдида турган муаммолардан яна бири ўзга сайёралардаги ҳаёт тасвири ва у ерда яшовчиларнинг образини яратиш билан боғлиқ. Гарчанд олис сайёраларда яшовчилар образини, қай йўсинда яратаётганларига эътибор берсак, улардаги қандайдир гайритабиийликка бўлган майлни сезиш қийин эмас. Чутгончи, «Олис сайёра» қиссасидаги (Шайхов) ўзга сайёраликларнинг учишга мослашган қанотлари бўлса,

«Келгиндилар» ҳикоясидаги ўзга сайёраликлар кўзга кўринмайдилар. «Тасодифий кўнига» ҳикоясидаги жонзодлар эса тимсоҳга ухшаган, аллақандай тўрт оёқли баҳайбат маҳлуқдир.

Ўзга сайёраликлар образини яратишда ҳар қандай уйдирма ҳам ёзувчи учун асқотавермайди. Энг муҳими, улар портретининг хусусиятлари шу сайёранинг табиий тузилиши билан уйғун бўлиши керак.

Ўзга сайёраликлар образини яратишда уларнинг ерликлар билан алоқа воситаси ҳам муҳим ўрин тутди. Ҳ.Шайхоннинг «Келгиндилар» ҳикоясидаги нотаниш жонзодлар орасида тил бўйича мутахассис олим ҳам бор, У ҳар қандай жонли мавжудот билан гаплаша олади, Фақат бунинг учун ўша жонли мавжудотларнинг мияси тарқатаётган биотоклар ва электромагнит тўлқинлари таркибини махсус асбоблар ёрдамида синчиклаб ўрганиш лозим,

«Олис сайёрада» қиссасида эса геммаликлар аёллар сочини жингалак қилувчи машинага ўхшаган қалиокни кийиб, ерликлар билан гаплашадилар. Ерликлар ясаб берган бу қалпоқ уларга фикр узатиш воситаси ва айни пайтда таржима аппарати сифатида хизмат қилади,

Аброр қосимовнинг «Кўкдаги фарёд» ҳикояси воқеаларя Самарқанд ва АҚШда кечади. Анвар Солиев ва унинг ҳамкасблари Самарқанддаги қайта реставрация қилинган ва ишга туширилган Улуғбек расадхонасида хизмат қиладилар. Коинотдан юборилган радиосадо ҳам шу ерда қабул қилиниб олинади. Асар қаҳрайонлари - Анвар ва Гулнора Афросиёб тепаликларида - ўлик шаҳар устида сайру суҳбат қиладилар. Улар космик садони ёзиб олган кезларда эса ақлдан озган бир тўда америкалик олимлар ўзлари кашф этган қуролни синашга тараддуд кўрадилар. Бу қурол эса метеогаллактикадаги сайёрани ҳалокатга олиб келган қуролнинг айни ўзгинаси эди. Шундай қилиб, бутун Ер юзини ўлик водийга айлантириш, коинотдаги ҳаёт деб аталмиш мўъжизани барбод этиш хавфи туғилган эди.

Одатда фантастлар келажакка назар ташлайдилар. Уларнинг диққат-эътиборида келажак манзаралари туради. Лекин шуидай илмий-фантастик асарлар ҳам борки, фан ютуқлари уларда ўтмиш ҳаёт сирларини очишга қаратилади. Шу жиҳатдан Тоҳир Маликнинг «Фалак» илмий-фантастик қиссаси айниқса диққатга сазовордир. Адабий фактлар шуни кўрсатадики, ўзбек ёзувчилари миллий воқелик билан боғлиқ масалаларни кўтарганларида ва миллий калорит билан суғорилган фантастик шароитларни яратганларида сезиларлироқ ижодий ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

қисса асосида Биофизика Институтининг олими Жаҳонгир Алиевнинг кашфиёти туфайли юзага келган фантастик воқеалар ётади. Олим кашф этган фантастик асбоб - эллаома Алиевининг йигирма йиллик ижодий изланишлари самараси бўлиб, бу асбоб қачонлар оламдан ўтган инсонларнинг ҳаёт йўлини, уларнинг маънавий дунёсини тиклай олади. Бу қиссадаги етакчи фантастик мотивдир. Ана шу мотивни ёритиш асносида асар тўқимасига янги сюжет чизиғи кириб келади. Эллаома аппарати тажрибада синаб кўрилади. Ўтказилган тажриба натижасида

Булоқбошидаги кабристондан топилган иккита тоштобут ичидаги шахснинг тақдири тикланади. Булар Улуғбек даврида яшаб ўтган аллома Шамсибек ва унинг хотини Махфуза эдилар,

қисса бизни фақат профессорнинг кашфиети - эллома аппарати ва унинг қудратли кучи билангина эмас, балки қатор мураккаб қизиқарли образлар билан ҳам таништиради. Булар профессор Алиевнинг ўғли Жамшид, дўстлари археолог Султон Умрзоков ва ёзувчи Тўлқин, профессорнинг ҳаётда ўз ўрнини топа билмаган, яшашдан мақсад нималигига тушуниб етмаган, ҳар бир нарсага шахсий манфаат нуқтаи назаридан ёндашувчи қариндоши Акбаралидир. Шундай қилиб, қиссада икки замон - XV ва XX аср воқеалари параллел тасвирланади. Асарда бу бир-биридан олис икки давр воқеаларининг берилиши бежиз эмас. Зероки, XV аср Улуғбекнинг қатл этилиши каби сирли, даҳшатли воқеалар билангина эмас, балки расадхонанинг бунёд этилиши, юлдузлар каталогининг тузилиши, табиий фанларнинг бениҳоя юксалиши, ҳуллас, Уйғониш даврининг типик воқеалари билан ҳам Шарқ тарихига киради. XX аср қанчалик буюк илмий-техник инқилоби асри бўлса, XV аср ҳам Шарқ тарихи учун қарийб шунчалик аҳамиятга моликдир,

Олис давр воқеалари асарнинг бадиий туқимасига тасодифий ҳоллар шунчаки кириб келмайди. Агар Алиев маълум маънода Шамсибекнинг илмий изланишларини янги фан асрида давом эттирса ва электрон эллома яратса, унинг антиподи бўлган Суҳроб Хўжаев олим шаънига иснод келтирувчи ишлар билан шуғуланади. Гарчанд Абдуваҳоб билан Суҳроб Хўжаев ўртасига тенглик аломати қуйиш мумкин бўлмаса-да, улар ҳаётида маълум умумийлик бор. Абдуваҳоб ҳамқишлоғи Махфוזанинг унга эмас, балки Шамсибекка насиб бўлганини кечира олмагандек, Хўжаев ҳам маърифатнинг Алиевни танлаганидан аламзада юради. Ана шу аламзадалик, ёзувчи талқинига кўра, XV асрда қандай ёмон оқибатларга олиб келган бўлса, XX асрда ҳам шундай хунук воқеаларни бошлаб келиши мумкин.

Икки давр ўртасидаги фикр чақируви бу билангина тугамайди. Алиевнинг олис қариндоши Акбарали ҳам қисса саҳифаларига XV асрдан, Абдуваҳоблар муҳитидан келиб қолгандек туюлади. қариндошининг улкан кашфиётидан чала-чулпа дарак топган Акбарали элломадан ҳам ўз мақсадида фойдаланмоқчи бўлади. У "савдода узоқ йиллар ишлаган" отаси яшириб кетган тиллаларни Алиев ижод этган аппарат топиши мумкинлигига умид боғлайди. Ана шу қиссада фан билан бидъат, халқ манфаати билан хусусий манфаат, юксак ният билан жиноят - қайси аср воқеалари тасвирланишидан қатъий назар ёнма-ён пайдо бўлади.

Фантастика бадиий адабиётнинг маҳсули бўлгани учун у сиёсатдан ҳоли бўлолмайди. Унда сиёсат реал муаммоларнинг фантастик материал билан кесишган нуқтасида юзага келади. Маълум маънода фантастик адабиётда сиёсат масаласи реал ҳаётдаги сиёсий муаммоларнинг ойнадаги акси ҳамдир. Кейинги даврда фантастик адабиётда маданий, иқтисодий масалалар билан бир қаторда сиёсатга доир масалалар ҳам ўрин оляпти.

Ҳарбий техника, ядро қуроли ўта тараққий эта бориши билан бу масала' анча авж олди. Бу борада Ҳ.Шайхоннинг "Мутамах" илмий-фантастик ҳикоясини мисол келтириш мумкин. Ҳикоя асосида фантастик шаҳар - Ирот ҳукумати ҳудудига қарашли давлат чегарасини номаълум кема бузиб ўтгани ва шунинг оқибатида юзага келган вазият тафсилоти ётади.

Ҳикояда кўтарилаётган масала - фантастик шаҳар Ирот аҳлининг кирилиб кетиш хавфи, экология масалалари ва яна бир қатор ёндош масалалар - тинчликни сақлаш воқеалар замирига сингдириб юборилган. Ҳикоядаги фантастик образ - мутантда давлатлараро мавжуд низомларга амал қилмаслик оқибатида фожий аҳвол юзага келиши мумкинлиги ўз ифодасини топган. Мутантга нисбатан чора кўрилмаса, у бутун шаҳар аҳолисини, дарахту иморатларни, умуман ер юзидаги ҳаётни йўқ қилиб__юбориши мумкин.

Ҳикоядаги эътиборга лойиқ ўринлардан бири ерликлар хусусидаги фикр: - «Ерлик мавжудотларга сира тушуниб бўлмайди, -дейди кема даргаси фиғони чиқиб. - Уларда тажовузкорлик майли шунақанги ривожланганки, ҳар қандай ёвузликни келтириши ҳақида ўйлаб ҳам ўтиришмайди».

Бу жумлада сиёсат билан боғлиқ ўринлар ўз ифодасини топган, Ҳақиқатан ҳам ёвузлик ёвузликни келтириб чиқариши мумкин. Бу эса бир неча омилларга боғлиқ. Лазер нури таъсир этмаган мутантни «қуш учса қаноти, одам юрса оёғи қуядиган ўлик саҳрога айланган зихилранг Оролга бошлашади. Саҳрода бошланган туз бўрони, олисда осмонга қараган улкан қуюн - таркибида гербецид, пестицид сингари заҳарли моддалар тўлиб^гошган бу мудҳиш қуюн шарсимон маҳдуқ -мутант билан тўқнашиб, уни емириб юборди».

Шу типдаги сиёсатга оид иккинчи бир асар ҳам Ҳ.Шайхоннинг қаламига мансуб. Унинг «Гаройиб кўланка» қиссасида шаҳардаги ахлат уюмлари экологик муҳитни ифлослаши мисолида бу ҳол қандай фожиали натижаларга олиб келиши мумкинлиги масаласи Оролни қутқариш, асраш хусусидаги қароридан анча олдин кўтарилган.

Ҳ.Шайхоннинг бу икки фантастик асарида кўтарилган масала реал ҳаётда жамият олдида реал ҳаётда жамият олдида турган долзарб масалалардан бири эканлиги аниқ сезилади. Фантастик асарда кўтарилган муаммолар реал ҳаётдаги муаммоларга нечоғлик ҳамоҳанг бўлса, у сиёсатдан ҳоли эмаслиги шунчалик аён бўлади.

Ўзбек фантастикаси шаклланиш, ривожланиш даврини мувофақиятли утди. Мустақил жанр сифатида адабиётдан ўзига муносиб жой эгаллади. Ўтган вақт мобайнида фантастик адабиёт ўз муаллифлари, китобхонлари ва талқинотчиларига эга бўлди. Унинг деярли ҳама тури: Фантастик роман (Ҳ.Шайхон: «Телба Дуне») , фантастик қиссалар (Т. Малик : « Фалак» , « Сомон йўли элчилари», « Чорраҳадаги одамлар»; Ҳ. Шайхон: «Само меҳвариди намоиш», «Шом камари», « Аждодлар хотираси» ; С. Абдуллаева : « Аёллар салтанати» ; Фазилат Хожиқулова: « Бувимнинг бисоти», « Оташ қиз», «Сим –сим ёмғир ёғарди», «Менинг қуёним») ,

фантастик дostonлар « А. қосимов: «Само сирлсри») ва кўплаб фантастик хмкояляр яратилди. Бундан ташқарии , фантастика кинематография, расм, театр каби каби ўзбек санъатининг бошқа турларга хам кирибборди ва катор фантастик филм, пьессалар яратилди.

ўзбек ёзувчилари миллий воқелик билан бо³/₄лиқ масалаларни кўтарганларида фантастик шароитларни яратганларида кўпроқ ва сезиларлироқ ижодий ютуқларни қулга киритмоқдалар. Масалан, Ёкут Акрамова «Ём³/₄ир куй» қиссасида мажозий , аллегорик образлардан эркин фикрлар тақиқланган, Инсоннинг елкасига шатонвачча-пойловчи куйиладиган, ходимларнинг ҳар бир сўзи, ҳар бир қадами қаттиқ назорат қилиб туриладиган бир корхона ҳаёти, ҳатто биргина ходиманинг минг кунлик кечинмалари орқали тоталитар образини бадийий умумлашма даражасига келтирган. Қиссанинг тили ва услуби ниҳоятда ўзига хос ва янгича. У жуда катта маъно қатламини ифодалай олувчи монолог ва айрим диалоглар шаклида минг бир кун тарихи кўринишида ёзилган бўлиб, бу услуб ³/₄арб услубини эслатади.

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ:

1. Ўзбек фантастикасининг илдизи нимага бориб тақалади?
2. 2 Ўзбек фантастикасининг ўзига хослиги нимада?
3. Ўзбек фантастлари ўзга сайёраликларни қай йўсинда, яратишяпти ?
- 4.Фантастлар нимага назар ташлайдилар?
- 5.Фантастиканинг сиесатга алоқаси борми?

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

1.Фантастика - фантазия сўзидан олинган бўлиб, хаёл, тасаввур, гайритабийий воқеалар орқали ижтимоий, сиёсий масалалар кўтарилган ва очиб берилган бадийий асар.

2.Галактика - қуёш системасини ўз ичига олган юлдузлар системаси, Сомон йўли.

7 - МАВЗУ: ЯНГИ БОСҚИЧДАГИ ЎЗБЕК ДРАМАТУРГИЯСИ

РЕЖА:

1. Талабларини Халқнинг маънавий қондиришда драматургиянинг ўрни.
2. Сўнгги давр ўзбек драматургиясида социалистик тузум иллатларининг фош қилиниши.
3. Сўнгги йиллар ўзбек драматургиясида маънавий-ахлоқий масалаларнинг янгича йўналишда, янгича тафаккур билан ёритилиши.
4. Комедияларда ҳаётдаги иллатлар ва нуқсонларга нисбатан мурасасозликнинг ортиши.

АДАБИЁТЛАР:

1. Х.Абдусаматов. Театр танқид кўзгусида. Т., «Фан» 1993 йил.
2. С.Алиев, Ўзбек драматургиясида янги услубий изланишлар. «Ўзбек тили ва адабиёти» 1993 йил, 1--сон, 15-бет.
3. Б.Имомов. Драматургик маҳорат сирлари. Т., 1991 йил.
4. Т.Исломов. Тарих ва сахна. Т., 1998 йил.
5. Ўзбек драматургияси тарихи. Т., 1995 йил.
6. М.қўшжонов. Драматургиямиздаги янги саҳифа. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» 1996 йил 31 май.

Замон билан ҳамнафас бўлишда, халқимизнинг маънавий талабларини қондиришда драматургия зиммасига, унинг сўз ва сахна санъатлари билан алоқадор хосияларига мувофиқ, алоҳидағоявий- эстетик вазифалар юкланган. Маълумки, адабиёт ва санъатнинг гуллаб яшнаши жамиятнинг маънавий баркамоллиги, муҳит соғломлигига боғлиқ, Маънавий соғлом муҳитни яратишда адабиёт ва санъатнинг роли беқиёсдир. Ижодкор ҳаёт ҳақиқатини қанчалик тўғри англай олса, муаммолар моҳиятини тўғри очиб берса, унинг асарлари халққа шунчалик маънавий наф келтиради. Бу борада драматургия ҳам алоҳида рол ўйнайди. Ўзбек драматургиясида Ў.Умарбеков, Ш.Бошбеков, М.Бобоев, А.Иброҳимовнинг асарлари алоҳида урин тутади. Уларнинг драмаларида совет тузумидаги ўзбек воқелигининг муайян томонлари драматик йўсинда бадиий талқин қилинган.

Ўлмас Умарбековнинг драмаларида коммунистик мафкура ҳукмрон даврда ҳам истиқлол маънавияти, ахлоққа хизмат этувчи муҳим ва асосий сифатлар ўз ифодасини топган. Драматург анъанавий оталар ва болалар муносабатлари, ўзаро ахлоқий қарашлари заминидан истиқлол даври учун ута зарур маънавий-ахлоқий сифатларини сақлаш, асраб-авайлаш йўлида қатъий ўзита хос йўл тутганлиги ҳам кузатилади. Хусусан «Суд», «Кузнинг биринчи куни» каби драмалари характерлидир. «Кузнинг биринчи куни» номли пьесаси шу жиҳатдан алоҳида ажраб туради. Асарда уч оила бошига тушган фожиянинг сабаб ва моҳияти уч хил англаш, уч хил баҳрлаш тарзида умумлаштирилади. Масалан профессор Тўҳир Тўлагановнинг ўғли Рамз оилада эрка ўсган. Фарҳод эса отасиз, онаси қумри опа вояга етказган

ёлғиз фарзанд. Собир бўлса узоқ йиллар ички ишлар соҳасида самарали ва ҳалол меҳнат қилган ва нафақага чиққан Шокир Султоновнинг камторона оиласи фарзанди. Такдир уларни институтда учраштирган, Улар орасида Рамзнинг қўли баланд, қаерга чўзса етади. Собир ва Фарҳод ҳам унинг таъсирига тушиб қолган. Кунлардан бирида фожиа содир бўлади. Рамз отган милтиқ ўқи кўчадан кетаётган одамнинг умрига завола бўладик. Худди шу фожиа уч оиланинг бир - биридан айриб турувчи маънавий ахлоқий қарашларини муҳокама қилишга, драматик талқинга ва умумлаштиришга асос беради. Пироварди фожианинг замини очилиб, профессор Тўлагановнинг ўгли Рамз ўз гуноҳини бўйнига олиб: «Энди қилмайман, дада, - деганида ота ўғлига қарата: «Дард бўлади. Ярамаслар. Итдан тарқаганлар. Хулиганлар. Бандитлар. - деб ҳақорат қилади. Шунда Рамзнинг онаси Барчин опа «энди қилмайди, дадаси, раҳм қилинг» деб илтимос қилади. Газабланган ота жаҳл устида оилада газак олиб келган маънавий-ахлоқий нопокликнинг сир-асрорини очиб ташлайди.

Тўлаганов: «Раҳм қилингмиш? Шу нонкўр, шу текинхўрга-я. Одам бўлмади у, дардисар бўлди. Болали уй бозор, боласиз уй мазор... йўқ мен бунга мутлақо қушилмайман. Аксинча, болали уй мазор. Сен мани ажалимдан беш кун бурун мазорга тикасан, ярамас. Аммо билиб қўй. Мен энди ҳимоя қилмайман. Шунча ёрдам қилгандим, ҳимоя қилганим етар, институтга киролмадинг, шогирдимга раҳмат.сени қабул қилишди.. йиқилдинг, яна илтимос қилдим, баҳоларингни тузатиб беришди. Ресторанда тўпалон ҳилиб, милицияга тушдинг. Бир йилга кесишмоқчи эди, олиб қолдим. Маст бўлиб хушёрхонага тушдинг. Яна олиб келиб қўйишди. Энди ўн йилга кесишса ҳам розиман. мани, отангкинг қадрини қамоқхонада бил энди».

«қиёмат қарз» драмасининг бош қаҳрамони Сулаймон ота. Унинг психологик ҳолати ишонарли тасвирлаб берилган. Чунки муаллиф психологик ҳолатга кириши учун зарур бўлган муҳитни ярата олган.

Сулаймон ота ҳалол, меҳнатсевар, бировнинг ҳақидан кўрқадиган, тўғри сўз нуроний чол. Ёлғиз фарзандидан ажраб қолган ота, қишлоққа врачлик қилиш учун келган Нўмонжон исмли йигитни ўз фарзанди сингари меҳр қўйиб фронтга жўнатади, у кетаётиб отага иккита қўй олиб беради. Йиллар ўтиб қўйларнинг сони тўрт юзга етади. Уруш тугаса ҳам асранди ўгилдан дарак бўлмайди, Тўрт юзга қўйни «қиёмат қарз»ни ўз эгасига топшириш Сулаймон отанинг тинчини, оромини олади, Психологик тасвирнинг бир кичи босқичи руҳий вазият яратилди. Шундан сўнг, бош қаҳрамон қатор руҳий -кечинмаларни бошидан кечиради. қўйларнинг эгасига топшириш ҳисси, Зебининг васиятини адо этиш масъулияти драмада руҳий тасвирни юзага келишига асос бўлади. «Зеби хола: Нўмонжонга атаб олдим буням, Сулаймон ота», - Оббо , сан-эй. Яхши-яхши. -Зебо хола - сиз бўлсангиз, киммиз унга дейсиз. Урушдан кейин келаман деган, сизлар билан тураман деган. Келмаса. . . келмаса. . . Сизни кимга ташлаб кетаман? Хувиллаган ҳовлида бир ўзингиз.»

Муаллиф инсон қалбидаги эъзозланиши зарур бўлган қирраларни топган. Сулаймон ота учун Зебидан, унинг васиятидан: кўра азизроқ нарсга бўлмаган, худди ШУ ҳолатни драмада ишонарли очиб берилган, Бу ҳолатни ҳеч бир томошабин бефарқ томоша қилмайди., ўзининг хузур-халоватидан кечиб, Сулаймон ота Нўмонжонни қидиришга тушиб кетади.

Узоқ йўл юриб, ҳам жисмон, ҳам руҳан чарчаган ота, Нўмонни кўриб бутун чарчоқларини эсидан чиқариб юборди. Бутун жисми билан, қувончу ташвишлари билан унга талпинди. Бироқ у отанинг қувончини, хурсандчилигини чексиз ҳаяжонини сезишни, тушунишни хоҳламайди.

-Назаров, хўш? келинг? - Сулаймон ота. - Хўшинг нимаси? Мени танидингми? - Назаров, Кимсиз? йўқ танимадим. ~ Сулаймон ота: - Баракалла. Ўзимам танимайсан деб ўйловдим. Мен сени танидим».

Сулаймон отанинг хатти-ҳаракатларини эринибгина, менсимай кузатиб турган Назаров, отани танимасликка ҳаракат қилади, уни бағрига босиб, ўзини тиелмай йиғлаётган бош қаҳрамонга «ўзингизни босинг» деб буйруқ беради. Ўзини йиғидан тўхтатолмаган ота «қандай босай, ўғлим?! Ўттиз йил кутдим сени, Йўлингга кўзларим тўрт бўлди. Кўрмай ўлиб кетаманми кўрқувдим, Зеби холангга ўхшаб. - Зеби хола ким? -Сулаймо* ота: - Кўзинг айтиб турибди, кўрқиб кетдинг. кўрқма. қари бўлсат^. ҳам, ҳали бировга ташвишим тушгани йўқ. Эсингдами, урушга кетаётганингда менга иккита кўй ташлаб кетувдинг. Назаров: - кўй?. Сулаймон ота; -Ҳа. Иккита ҳисори кўй. Назаров: -Э, бўлди, бўлди. Эсимга тушди. Хўш?. Сулаймон ота: - Шу кўйлар тўрт юзтага етди. Назаров: - Тўрт юзта?».

кўйларнинг дарагини эшитган Нўмонжон энди бутунлай ўзгаради, «Оббо отахон-эй. . . Оббо сиз-эй! кўйлар ҳеч хаёлимга келгани йўқ. Лекин ана бораман, мана бораман билан вақт ўтиб кетаркан, шунча йил ўтиб кетибди. Лекин барибир борардим. Сизни бир кўриб келардим.»

кўйларнинг тўрт юзтага етганлигини эшитган Нўмонжон отага сохта илтифот қилишига утади. Нўмонжон: - Ота! Тўхтанг!. Сулаймон ота: - Мен сенга ота эмасман, Ўша ўттиз йил олдин менинг олдимдан урушга кетган йигитга отаман. Бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам. Сенга эмас».

Ўттиз йил болам деб, қалбининг энг тубида асраб келган, унинг хаёллари билан, унинг изтироблари билан кўмилиб яшаган Сулаймон учун бир лаҳзада ҳаммасидан жудо бўлиб қолиш осон иш эмас эди.

Маълумки, драмада қаҳрамоннинг ўзига хослигини белгилашда ремарка муҳим ва асосий омил ҳисобланади. Бу борада Ш, Бошбеков асарлари яққол мисол бўла олади. Унинг «Темир хотин» номли жиддий комедиясининг бош қаҳрамони кўчқорнинг характер сифатида шаклланишида ремарка катта рол ўйнайди, кўчқорнинг яшаш шароитининг қандай эканлиги, у ҳақидаги дастлабки характеристика драма бошида берилган ремаркада берилади: «кишлоқдаги оддий камтарона ҳовли. Тўғрида бир неча устунли пешайвон, ўнгда пастгина пешайвон кўча эшик, олдида ёғоч кароват. Саҳнадаги ҳар бир жиҳоз, ҳар бир буюмда нимадир етишмайди. Эшик дераза ромлари ярми бўялган, қолганининг ранги ўчиб кетган, ёғоч кароватнинг битта оғи йўқ. Ўрнигағишт териб

қўйилган, кўрпа ёстиқларга ямоқ тушган, пиёлаларнинг лаби ўчган ёки чегараланган, чойнакнинг жумрагига туника кийгизилган ва ҳакоза».

Келтирилган ремаркадан бош қаҳрамоннинг яшаш шароити, уй жиҳозларининг кўримсизлиги, туну кун меҳнат қилса ҳам яхши яшамаганлигининг гувоҳи бўламиз.

Ҳолат тасвири ремркасида бош қаҳрамон фаолиятидаги ҳолат тасвирланади. Бу ремаркани бош қаҳрамон образининг шаклланишида аҳамияти катта бўлади. кучқорнинг дастлабки ҳаракатлари, яъни томашабинга яқинлашиш жараёнидаги унинг кайфияти муаллифнинг дастлабки ремркасида амалга оширилади. Аввалига Аломатнинг гапларига менсимай қараётган кўчқор, энди ўзини бошқаролмай қолади, Таъсирланиб кетади. Аломатнинг: «қалбингизнинг унутилиб кетган, ўзингиз ҳам билмайдиган, алла қайси бурчакларида милтиллаган ушоққина норозиликдан кўркасиз», - деб айтган гапи кучқорни чўчитиб юборади. Чунки у темирдан бундай гаплар чиқишини сира кугмаган эди. Аломатнинг бу гапларида кўчқорнинг армони-фожеаси ётади. қор энди чидолмайди, сира-сира тоқат қилолмайди, Аломатнинг кейинги гапларини ҳаяжон билан кутиб турган кўчқор қалбидан сизиб чиқаётган кўз ёшларини яширишга уринади. Муаллиф айнан шу вазиятни «кўзларида ёш ўйнаб» ремркаси билан тасвирлайди. «Кўзларида ёш ўйнаб» ремркасида бош қаҳрамоннинг ички изтироби, алами, эркак кишининг аёл олдидаги ерга урилаётганғурури ифодаланган. кўчқорнинг руҳий кечинмалари муаллиф томонидан берилган ремркада ўта таъсирли ифодаланган. Драматизмни кучайтириш учун муаллиф ремркаси катта аҳамиятга эга. «Баралла йиғлаганча оёқ, остидаги яшиқларни зарб билан тепиб, ёш болага ўхшаб энгашиб йиғлайди. Аломатнинг елкасидаги қизил адикросхемани олдида- кўшни ҳовли томон отиб юборди».

кўчқорнинг фожиаси аввало умрини беҳуда ўтказгани, туну кун меҳнат қилиб бирор кун рўшнолик кўрмаганидир. Муаллиф ушбу комедияни том маънодаги трагик комедия дейишга ҳав^л.и. Чунки кўчқорнинг бутун орзу ва умидлари Аломатнинг гапларидан сўнг чилпарчин бўлди- У ЎЗ ҳаётини маънисиз эканлигини ҳис қилди. Бу нафақат кўчқорнинг, балки минглаб «кўчқорлар»нинг ҳам фожиасидир.

Навбатдаги қўйилган микросхема кўчқорнинг фиғонини кўкка чиқарди. Чунки унинг тўғрисида турган робот аёл бош қаҳрамоннинг на кўз ёши, на алам, на қайғуси билан иши бор!» Аломат (куЙлаб) «Яна ўйнашшк, Яна куйлайлик, иқболимиз порлоқ экан даврон сурайлик. Иқболимиз порлоқ экан, даврон сурайлик! (Тўхтовсиз айтаверади). Аломат айтган кушиқнинг мазмунидаги «Иқболимиз норлоқ экан» жумласида кўчқорнинг бахтсизлиги, «даврон сурайлик» жумласида эса мужассамлашган. Шунинг учун кўчқорни на насихат, на мақтов, на йиғи тинчлантиради. У ҳам қайсар боладек ҳеч нарсага кўнмайди.

70-80 йиллар ўзбек драматургиясида яратилган ҳатор асарлар ўзбек халқини мустақилликка маънавий жиҳатдан тайёрлашда хизмат қилди ва

улардаги қатор қаҳрамонлар китобхонлар онгқа,а ва театр сахнасида ҳамон яшаб келмоқда.

Мустақилликдан кейинги йилларда драматургиямизда янигича қарашлар ва миллий қадриятларни акс эттирувчи асарлар яратилди. Хусусан, «Чимилдик», «Куёв» сингари комедияларда ўзбекона руҳ кучли. «Чимилдик» драммасида асосан ўзбек удумлари ва урф-одатлари ҳақида баён этилади. Асар халқимиз руҳига мослиги туфайли ҳам китобхонлар томошабинлар эътиборини тортди. Қисқа вақт ичида бу драма асосида бадиий фильм ҳам ишланди.

Давримизнинг ижтимоий-сиёсий воқеалари билан бо³/₄лик драммалар ҳам кўпчиликка маъкул бўлмоқда. Ҳамид Ғуломнинг «Бир миллион фожеаси», Одил Ёқубовнинг «Бир қаср фожеаси» драммаларида бугунги ҳаётимизнинг айрим қирралари акс этди. Умуман олганда адабиётнинг драматургия соҳасида унчалик кўп асарлар яратилмаган бўлсада юқоридаги драммаларда давримиз давр характери ўз ифодасини тополганига мактовга лойиқдир.

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ:

1. Ҳозирги ўзбек драматургиясининг умумий аҳволи қандай?
2. Бугунги кун ўзбек драматургиясида маънавий-ахлоқий масалалар қандай ёритилипти?
3. Ў.Умарбеков драммаларининг ўзига хослиги нимада?
4. Ш.Бошбеков драммаларининг янгилиги нимада?
5. Драмада бош қаҳрамоннинг ўрни ва аҳамияти қандай?

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

1 .Адабий қаҳрамон - адабий асардаги инсон образи. Бадиий асардаги қатнашувчи шахслар ва персонажларга нисбатан адабий қаҳрамон деб қараш мумкин бўлган ўзига хос хулқ ва характерга эга бўлган одам.

2.Ремарка - муаллиф изоҳи маъносини билдиради. Унда асарда иштирок этувчи шахсларнинг ёши, ташқи кўриниши, хатти-ҳаракати, кийиниши, қалб кечинмаси, сўзидаги интонация, шунингдек, воқеалар кечадиган шарт^шароит, пайт, ўрин кабиларнинг изоҳланиши.

8-МАВЗУ: БУГУНГИ КУН ПУБЛИЦИСТИКАСИ ВА ДАВР МЕЗОНИ

РЕЖА:

1. Жамиятнинг маънавий тараққиётида, киши ўзлигини англашда публицистиканинг ўрни.
2. Ўзбекистон президенти И.Каримов асарлари таҳлили.
3. «Пахта ва ўзбеклар иши» масалалари ёритилган публицистик асарлар таҳлили.
4. Бугунги ўзбек публицистикасида экология ва тарихга муносабат масаласи.

АДАБИЁТЛАР:

1. И.Каримов. Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., 1998.
2. О.Тоғаев. Ўзбек бадиий публицистикаси. «Фан», Т., 1973.
3. О.Тоғаев. Публицистика жанрлари, Т., 1976.
4. О.Тоғаев. қаҳрамон - ижтимоий ҳодиса. Т., 1986.
5. Нарзулла Жўраев. Агар огоҳ сен... Т., 1998.
6. Нарзулла Жўраев. Тарих фалсафаси. Т., 1999.
7. Ёқубжон Хўжамбердиев. Ўзбеклар иши. Т., 1990.

Ўзбек публицистикаси тарихининг бошланиши баъзи тадқиқотларда ўзбек тилида матбуот пайдо бўлган вақтдан - 1870 йилда «Туркистон вилоятининг газети» чиқа бошлаганидан ҳисобланади. Дарҳақиқат, қатор матбуотнинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир.

Инсон тафаккурининг ўзига хос ифодаланиш усулларида бири публицистикадир. Публицистиканинг бош хусусияти - фикр-тушунчани мантикий муҳокамалар тарзидан ифодалашдан иборатдир.

Бундан кўриняптики, публицистика ҳаёт, жамият, тузумда рўй берган, бераётган, шунингдек, ўз давлати ва жаҳон сиёсати, мафкураси моҳиятини англаш, англатишда жуда самарали хизмат қилган ҳамда қилиб келмоқда. Истиқлолдан кейин публицистика олдида жуда кагга масала кўндаланг бўлди. Бу ҳам бўлса мустақиллик моҳиятини англатиш ва мураккаб бозор иқтисоди йўлига ўтиш давридаги мураккабликларни ақл-заковат билан ҳал қилишдир. Маълумки, хатоликларни, камчиликларни эса ўтмиш тажрибаларини ижодий ўзлаштирмасдан бартараф қилиб бўлмайди. Ўз~ўзидан аниқки, бунга эришишда бадиий публицистиканинг роли каттадир.

Бугунги публицистикада қуйидаги масалалар ёритилмоқда:

1. Бозор иқтисодига ўтиш масаласи.
2. «Пахта ва ўзбеклар иши» масаласи.
3. Суд ва прокуратурадаги адолатсизлик масаласи.
4. Фарғона ва Пискент фожиаси.
5. Экология масаласи.

6.Собик социалистик тузум иллатларини фош қилиш масаласи.

7.Маданият ва маънавият камолоти масаласи,

8.Медицина соҳасидаги инсон қисматига лоқайдлик ва билимсизлик масаласи.

9.Диний оқимларга муносабат масаласи.

Биричи масала моҳиятини англатишда, ўз-ўзидан аниқки, президентимиз асарлари катта рол ўйнайди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг қатор, хусусан, «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» китобида бу масалалар чуқур илмий асосда атрофлича еритилган.

Бизнинг бош стратегик мақсадимиз бозориктисодиётга . асосланган эркин демократик жамият барпо этишдир. Юртимизда яшайдиган барча инсонлар учун миллати, тили ва динидан қатъий назар муносиб ҳаёт шароити яратиб бериш, ривожланган демократк мамлакатлардаги қафолатланган турмушт даражаси ва эркинликларни таъминлаш давлатимиз сиёсатини ифодалайди.

Президентимизнинг 1992 йилда нашр этилган «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асари миллий истиқлол мафкураси учун миллий асос, маънавий ҳаёт учун йўл-йўриқ бўлди. Асарнинг «Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари» деб аталган бобида илгари сурилган умуминсоний қариятларга содиқлик; халқимизнинг маънавий меросини сақлаш ва ривожлантириш; инсон ўз имкониятларини эркин намоиш қилиши; ватанпарварлик тамойиллари истиқлол мафкураси учун асос бўлувчи, қоидалардир.

Президент Ислом Каримов «Жамият тараққиётининг асоси, уни нуқаррар ҳалокатдан қ>тқариб қоладиган ягона куч - маърифатдир, деган эди. Ана игу концепция президент сиёсатининг ва бош ислохотчилик вазифасини бажараётган давлатимиз стратегиясининг асосини белгилайди.

Ёқубжон Хўжамбердиев «Ўзбек иши» китобида публицистиканинг иккинчи масаласига кенг тўхтаган. У «ўзбеклар иши» мақоласида шундай ёзади: «Кейинги йилларда «Ўзбекистондаги порахўрликни», «Ўзбекистондаги қушиб езиш» каби жумлаларни такрорлаш одат тусига кириб қолди. Бу ҳақда матбуотда ўқиш, катта минбарларда, меҳмонхоналарда, Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарлардаги бозорлар, кўча-куйларда эшитиш мумкин.

Буларни ёзишдан мақсад республикаимизда ҳақиқатан ҳам содир бўлган қушиб езишларни, порахўрликни, кўзбўямачиликларни оқлаш эмас. Мақсад жаноятчиларнинг кенг меҳнаткашлар оммасига, пахтанинг - ҳақиқий ўзбек ишининг оғир меҳнатини елкасида тутиб турган деҳқонга ҳеч алоқаси йўқлигини айтиш, холос» деб куйинади,

«Раҳиманинг оқ пахтаси» мақоласида ўқувчиларнинг пахтага жалб қилиниши туфайли таълим-тарбия иши ниҳоятда сусайиб кетганлигини мисолларда очиб беради. «Юракдаги тугун» мақоласида қишлоқ деҳқонларининг оғир шароити хусусида, ундаги мураккабликлар ҳақида ёзади.

Китобнинг «Ҳақиқатнинг ўткир кўзлари» бўлимида берилган «Сирли ҳовуз», «Жавобсиз қолган саволлар», «Фарғонадаги фожиа» мақолаларида лоқайдлик, адолатсизлик масаласи кўтарилган. Илҳомжоннинг айтганларини ўқиган одамнинг бадани титраб кетади ва Россия аскарларининг тутган ишидан жуда катта ҳақиқат очилади, шунингдек, Фарғона фожиасини юзага келтирганлар кимлиги, ундан мақсад нима эканлиги инкишоф бўлади.

Карим Баҳриев «Балиқ ва қармоқ» мақоласида шундай езади: «Халқ қанчалик боқиманда бўлса, кам ўйласа, тоталитаризм шунча кучлидир. Демократик тузум эса унинг аксидир, у халқнинг фаоллягига таянади, мулкни элга беради, мулк олган одамлар тажриба ортгир бошлайдилар, фикрлашга тушадилар. Тухум олсанг бир ейсан, товук олсанг минг ейсан» деб фалсафий фикрлайди. Шу муаллифнинг «Ватан орзуси» номли мақоласида инсон ва жамият камолотининг асоси тафаккурда деган муҳим ва ;гўғри фикрни илгари суради, У ёзади; «Камолотнинг уч йўли бор: тажриба (аччиқ йўл), тақлид (осон йўл), тафаккур (огир йўл) билан инсон ўзлигини топади. Тақдиду тажрибани кўрдик, энди тафаккур давридир. Ат-Термизий «Ўз мулкни ҳимоя қилаётиб ҳалок бўлган киши дини ислом жангининг шаҳидига баробардур». «Отанг - бозор, онанг -бозор». «Боз» дегани «ўйин» деганидир. Могу мулкнинг тикасан, гоҳ фойда қиласан, гоҳ зарар - ютасан, ютқазасан...

Абдунаби Ҳайдаровнинг «қотилнинг армони», Акбар Жонузоқовнинг «қўлбола қотил», Бекқул Эгамқуловнинг «қотил аёл» мақолаларида фақат суд ва адлия масалалари билан чекланиб қолмасдан, жиноятнинг келиб чиқиш сабабларини очиш борасида ижтимоий муаммоларга диққатни тортиши билан муҳимдир.

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ:

- 1.Ўзбек публицистикаси қачон юзага келган?
- 2.Бутунги кун публицистикада қандай масалалар ёритилмоқда?
- 3.Бозор иқтисоди моҳиятини англашда кимнинг асарлари дастурамал ролини ўтамоқда ва қандай асарлар?
- 4.Ҳаётдаги адолатсизликларни фош қилган, Фарғона фожиасининг келиб чиқишининг асл сабаблари ва ундан қандай мақсад кўзланганлиги очиб берилган қандай публицистик мақолаларни биласиз, улар кимларнинг қаламига мансуб?
- 5.Инсон ва жамиятнинг иқтисодий ҳамда маънавий камолотида бугунги публицистиканинг ўрни қандай?

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

1-Публицистика - ижтимоий-сиёсий ҳаёт масалаларини ёритадиган барча турдаги асарлар: публицистик мақолалар, очерк, памфлет, мурожаатнома, фельетон ва ҳоказолар,

2.Памфлет - бирор ижтимоий тузум воқелиги ёки сиёсий партия фаолияти, программаси, камчилиги устидан ўткир ҳажв орқали қулувчи кичик сатирик адабий асар.

9-МАВЗУ: БУГУНГИ АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИК

РЕЖА:

1. Бугунги кун адабий танқидчилигида содир бўлаётган туб ўзгаришлар.
2. Ўзбек адабий танқидчилигида маҳорат масаласи.
3. Шеърятнинг назарий ва шоир маҳорати масаласига бағишланган тадқиқотлар.
4. Ўзбек драматургияси тарихи ва бугуни хусусидаги тадқиқотлар.
5. Ёзувчининг танқид бобидаги маҳорати.

АДАБИЁТЛАР;

1. Т.Бобоев . Шеър илми таълими. Т., 1996 й.
2. Н.Каримов. Чўлпон. Т., 1992 й.
3. У.Норматов. Абдулла қодирий боғи. Т., 1995 й.
4. А.Расулов. Танқидчилик уфқлари. Т., 1985 й.
5. А.Расулов. Илмиғарибани қўмсаб. Т., 1998 й.
6. О.Шарафиддинов. Чўлпон. Т., 1991 й.
7. Чўлпон. Адабиёт надур? Т.', 1994 й.
8. В.Д.куронов. Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси. Т., 1997 й.
9. Э.М.қўшжонов. Ўзбекнинг ўзлиги. Т.. 1994 й.
10. Ш.А.Ҳожааҳмедов. Шеърини санъатлар ва мумтоз қофия. Т., 1998 й.
11. И.А.Ҳожааҳмедов. Мумтоз бадиият малоҳати. Т., 1999 й.
12. А.Ҳожааҳмедов. Шеърини анъаналарни биласизми?. Т., 1999 й.

Истиқлол ва у берган имконият ҳар бир жабҳада ўзгача ёндашишни тақозо қилди. Бу табиий ҳол. Чунки мустақиллик туфайли тузум ўзгарди. Тузумнинг ўзгариши тафаккурнинг ўзгариши билан боғлиқдир. Янгича тафаккур туфайли адабиётшунослик ва адабий танқид тубдан ўзгарди. Хўш, бу нимада кўринади? Биринчидан, асарни баҳолаш, унга ёндашиш мезони ўзгарди. Яъни социалистик реализмнинг догматик принциплари ҳаётни революцион тараққиётда кўрсатиш, синфийлик, партиявийлик, коммунистик идеал, давр олиб борган мафкура, сиёсат ўрнига тарихий ҳақиқат, ўзбекона миллий хусусият, инсонга синфий нуқтаи назардан эмас, инсон нуқтаи назардан ёндашила бошланди. Демак, методология узгарди. Иккинчидан, ўз даврида чин ҳақиқатни тўла равишда акс эттиргани учун қораланган асарлар ва уларнинг муаллифлари ўзининг тўғри баҳосини олиб, мазкур асарлар истиқлолни мустаҳкамлаш ва унинг моҳийтини англатишдаги роли инкишоф қилина бошланди. Учинчидан, асарлар тоталитар тузум пайтидагидек мавзуси, қаҳрамони, КПСС съездларида илгари сурилганғоялар акс этган, этмаганлиги нуқтаи назаридан эмас, эстетик нуқтаи назардан, яъни асар замиридаги гўзалликни кашф этиш, инсон туйғулари ва руҳиятини очиқ бериш жиҳатидан таҳлил қилиш. Тўртинчидан, социализм даврида яратилган асарларни янгича тафаккур нуқтаи назардан таҳлил қилиш.

«танқид» сўз сифатида ҳам ёқимли эмас. У жуда совуқ эшитилади. Аввало, шундан бўлса керак, танқид ҳеч кимга ёқмайди. Бирорта одам астойдил:»мени танқид қилинг» демаса керак. Энг тўғри танқид ҳам дилни оғритади.Кайфиятин хира қилади.Хар бир ёзувчи, шоир эса узини жамиятнинг энг пешқадам одами санайди. Улар ўзига хосғурур.кибр билан яшайди. Купчилик кишилар ёзувчи, шоирин ўзларига ибрат намунаси деб биладилар. Табиийки , бундай мақомдаги одамлар танқидни хушнудлик билан қабул қилишолмайди. Асари ҳақидаги заррадац танқидий фикр ҳам ижодкорга наштаардай қотади. Чунки унга хар бир асари ҳуди вужудининг бир бўлагидай, фарзаидидай кўринади. Аммо ўқувчилврга такДим қилинган асар адабиётнинг мулкисаналади. Бу мулк одамларнинг дидига, фикрига зиён етказмаслиги шарт. Адабий танқидчилик эса элнинг адабий савияси учун ўзига хос ҳимоячи саналади. Шунинг учун у бази ижодкорларнинг дилиниоғритади. Айримларини эса элга танилишига сабабчи бўлади .Адабий танқидчиликнинг маданий жамиятдаги ўрни, вазифаси Айни шу билан белгиланади

Кейинги давр адабий танқидчилиги тилга олинган янгиликлардан ташқари, у фақат адабиётшунослик билан чекланмай, тарихшунослик, жамиятшунослик, сиёсатшунослик унсурларини ўзига сингдирди. Хусусан, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носирлар ижоди хусусида яратилган тадқиқотларда шу ҳол кўринади. Умуман, кейинги йиллар тадқиқотларида шундай ёндашиш етакчилик қияпти.

Фитрат ижодини тўлиги; тадқиқ этишга 80-йилларнинг ярми, аниқроғи, 1987 йилдан киришилди. Бу давр фитратшуносликда янги босқич ҳисобланади. И.Султон, О.Шарафиддинов, Э.Каримов, Б.қосимов, Б.Назаров, Н.Каримов, У.Норматов, А.Алиев, Н.Владимировна, Ш.Турдиев, С.Мирвалиев, Б.Дўстқораев, Ҳ.Болтабоев, И./аниев ва бошқаларнинг тадқиқотларини бу борада ёзилган салмоқли ишлар сифатида кўрсатиш мумкин. Бу янги даврда тадқиқотлар асосан уч йўналишда олиб борилди:

а)Фитратнинг таржимаи ҳолини тиклаш;

б)асарларини нашр эттириш ва дастлабки тадқиқотларни амалга ошириш;

в)унинг ижодини муайян масалалар юзасидан ўрганиш. Чўлпон, Усмон Носирлар ижодига ёндашиш ҳам шу тариқадир.

Маълумки, ёзувчи-танқидчи маҳоратининг ўзига хос илмий –

назарий масалаларини ўрганиш жаҳон адабий танқидчилиги ва адабиётшунослик илмида доимо муҳим ўрин тутиб келган. Чунки Дунёдаги машҳур ёзувчилар бадиий ижод билан бирга адабиётшунослик ва танқидчилик илмининг назарий ҳамда амалий масалалари билан ҳам мунтазам шу³/₄улланишган.

Ўзбек танқидчилиги тарихига назар солсак, Навоий, Бобур, Фурқат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Мақсуд Шайхзода, Миртемир каби машҳур сўз санъаткорлари ҳам бадиий ижод жараёнининг ўзига хос жиҳатлари ҳамда адабий – танқидий фикрлар баён этиб рисоалар ва кўлаб илмий танқидий мақолалар ёзганлар. Ёзувчи-танқидчи маҳорати хусусида

турли хил илмий назарий фикрлар бор. Ёзувчи танқидчилиги бадиий ижод, адабий ҳаёт муҳит муаммоларини асосан публицистик талқин этиб, барча икир-чикирларни ўз ичига қамраб олади, Ёзувчи танқидчилигини кенг кўламда ривожлантириш зарурки, бу бадиий ижоднинг равнақиға ижобий таъсир кўрсатади.

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ;

1. Истиқлол адабий танқидчиликка қандай имкониятлар берди ва яратди?
2. Бутунги кун адабий танқидчилигидаги янғаликлар нималардан иборат?
3. Бугунги кун адабий танқидчилиги бадиий асарларға қандай ёндашишни тақазо қилади?
4. қатағонға учраган ижодкорлар ижоди қандай ўрганилди ва ўрганиляпти?
5. Бугунги кун адабий танқидчилигининг ўтмишға ва тарихға муносабати қандай?

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

1. Генетик ёндашиш - бадиий асарнинг юзаға келиш жараёни, вариантлари, асарнинг ёзилишиға туртки бўлган сабаб, айнан ехуд бу бадиий шаклға солинганининг боиси синғари ҳолатлар ёритилишиға эътибор кўпроқ қаратилади.
2. Типологик ёндашиш - таҳлил қилинаётган асар муаллифи билан ўзға адиблар орасидаги ижодий ворислик, мазкур адиб ижодиға таъсир кўрсатган ёзувчилар ижодидаги типологик умумийликка диққатни қаратиш.
3. Функцион таҳлил - ўрганилаётган бадиий асар яратилган давр кишилар онғиға қандай таъсир кўрсатди, бадиий тафаккурда қандай янғилик юз берди каби масалаларға эътиборнинг кучайиши.